

Ўзбекистан Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистан Педагогика
фанлари илмий-тадқиқот институти

Р.САФАРОВА, У.МУСАЕВ, П.МУСАЕВ, М.САЛАЕВА

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ

**прогаостика қилишнинг
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистан Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2005

**У мумий у рта таълим мазмунини прогностика
ҚИЛИШНИНГ назарий-амалий асослари**

Ушбу монографияда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий қилиш жараёнида таълим мазмунини янгилаш, унинг истиқболдаги моделларини ишлаб чиқишнинг назарий асослари баён қилинган. Шунингдек, таълим жараёнини эркинлаштириш уни кўпхадли микромайдонлар билан бойишиш муаммолари ёритилган.

Истиқболда ўқув режаси, ўқув дастурлари ва дарсликлари куйиладиган талаблар, ўқитувчининг долзарб вазифалари, уларнинг касб маҳрратини ошириш йўллари, таълим мазмунини ислоҳ қилишда соҳасидаги хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида фойдаланиш йўллари баён қилинган. Таълим мазмунининг янги моделлари тақдим қилинган.

Китоб халқ таълими ходимлари, ўқув дастурлари ва дарсликлари муаллифлари, назарийчи олимлар, кўп сонли докторант, аспирант ва илмий изланувчилар учун муҳим назарий манба, дастурамал бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

У мумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари ("2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини" жорий этиш йўлида)/ Масъул муҳаррир: Р.Х. Жўраев. — Т.: Фан, 2005. — 136 бет.

Муаллифлар: *Роариной Софарова, Усмонали Мусоев, Паёз Мусоев, Муборак Силаева*

Такризчилар:

Педагогика фанлари доктор.три, првфессорлар
С.Нишонова,
Р.Ҳасанов

ЎЗР ФА "Фан" нашриёти
2005 йил. 5-648-03234-Х

Мукаддима

«Прогноз»—грекча сўз бўлиб, кутилаётган воқеа ёки ҳрдисаларнинг қандай кечиши, ривожланиши ва оқибатларини мавжуд далиллар, маълумотларга асосланиб, олдиндан айтиб бериш маъносини англатади. Таълим мазмунини прогноз қилиш эса шахе, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш тараққиёти ва эҳтиёжларини қисобга олиб, жамият ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори мал акали кадрларга бўлган талаблари, ижтимоий буюрталанинг қўламини аншлаган ҳолда, таълимниш истиқболдаги мазмуташи белгилаб беришни англатади.

У мумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилиш муаммосини тадқиқ этиш педагогиканинг муҳим масалаларидандир. Педагогик прогностика қақидидаги тадқиқотлар ХХ аернинг 60-йиллари охиридан бошланган бўлиб, бу соҳада цуйидаги ишлар амалга оширилган:

И.В.Бестужев—Лада (педагогик прогностика назарияси ватарихи), Б.С.Гершунский (амалий жиҳатлари), А.С.Арсеньев, Э.В.Безчеревних, В.В.Давидов, В.Р.Кондратов, Ф.Т.Михайлов (фалсафий-психологик нуктаи назардан), П.И.Иванов ва Ю.К.Бабанскийлар (психологик-педагогик асосларини), шунингдек, узбек олимларидан М.Г.Давлетшин, М.Зуфарова (психологик асосларини), Ж.Йўлдошев, С.Ражабов, Р.Ҳасанов, Р.Сафарова, У.Мусаевлар педагогик муаммо сифатида ўрганганлар. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели асосида таълим мазмунини прогноз қилиш соҳасидаги тадқиқотлар педагогика фанида амалга ошириладиган илмий излашпларнинг мазмунини ҳам белгилаб бе ради.

Бозор иктисодиёти муносабатлари лиги босқичга кўтарилган ҳозирга даврда шахенинг жамиятда тутган ўрни яққол намоён бўла бошлади. Энди Давлат ва жалтят ўз хаётида етакчи мавқеани эгаллайдиган шахенинг маърифий-маданий қиёфасини шаклантириш, уни хар томонлама уйғун ривожлантириш хяқида ғамхўрлик қилмоқда. Бу ғамхўрлик натижасида таълим Ўзбекистон Республикасининг Давлат сиёсатида устувор бўлди. Худди мана шу сиёсат натижасида мустақил мамлакатнинг таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш жараёни бошланди. Бу жараён, биринчи навбатда, педагогика фанининг тадқиқот объектини кенгайтирди.

Ушбу соҳада мавжуд бўлган ички карама-карпшликларни барта-
раф этиш заруриятини қўйди.

Ҳеч кимга сир эмаски, мустабид сиёсат ҳукмронлик қилган
йилларда педагогикада, асосан педагогика назариясининг тор дои-
радаги хусусий масалалари якка-якка тартибда тадқиқ қилина-
рди. Бунда й шароитда таълим мазмунини прогностика қилишнинг
назарий асослари, йўлларини илмий жихатдан тадқиқ, қилиш \ақида
фикр юритиш ҳам мумкин эмас эди.

Педагогик қарашларнинг таълим-тарбия жараёнига кўрсата-
диган таъсирини таъминлаш тақозо қилинаётган ҳозирги даврда
педагогика фанида мавжуд бўшликларнинг ўрни яққол намоён
бўла бошлади. Бу бўшлиқ куйидагилардан иборат:

1. Амалга оширилган педагогик тадқиқотларда узбек халқи-
нинг ўтмишда яратган бой маърифий, маданий, тарбиявий мероси,
таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаси, таълим назариясига оид
қарашлари ўрганилмади ва назарий жихатдан асосланилмади. Ас-
лида эса, педагогик фикр, таълим-тарбия мазмунини белгилаш
хақидаги назарий қарашларнинг илдизлари Шарқда шаклланди.

2. Шарқдаги таълим-тарбия муассасалари, хусусий мактаблар
ҳамда мадрасаларда амалга оширилган таълим жараёнининг маз-
муни, шакли, воситалари, принцип ва методлари педагогика фанида
ҳанузгача махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

3. Буюк мутафаккирларнинг маърифий қарашлари, таълим-
тарбия назариясига оид фикрлари яхлит тарзда ўрганилиб, омма-
лаштирилмаган, балки айрим-айрим шахсларнинг педагогик қараш-
лари тарзидагина ўрганилмоқда. Бу \ол педагогика фанида анало-
гия, бир типдаги ўхшаш тадқиқотларнинг амалга оширилишига
асос бўлмоқда. Шак-шубҳасиз, бундай тадқиқотларнинг самара-
дорлик даражаси ҳам бир қадар паст бўлиши кузатилган.

Ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнида шахсни ҳар то-
монлама ривожлантириш, унинг таракқиётига йўналтирилган уз-
луксиз таълим тизимининг назарий асосларини яратиш педагогика
фанининг бош мақсади ҳисобланар экан, биринчи навбатда, педаго-
гик психология соҳасида кенг қўламли илмий тадқиқот ишларини
амалга ошириш тақозо этилади.

Педагогик психология, авваламбор, шахслараро ва бозор икти-
содиёти муносабатлари тобора ривожланаётган жамият ҳаётини
таракқий эттиришга йўналтирилган параметрларни назарий жи-

хатдан асослашни талаб қилади. Зеро, бу муносабатларни ўрган-
масдан туриб, таълим мазмунини мақсадга мувофиқ тарзда тан-
лаш мумкин эмас. Бу ўринда шаҳе ва жамият муносабатларининг
педагогик ҳамда психологик йўналишлари ҳар томонлама ўргани-
лиши ловим.

Ҳозирги ижтимоий-иктисодий ривожланиш босқичида педаго-
гик психология соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар таъ-
лим мазмунини белгилашнинг истиқболли йўналишларини тадқиқ
қилишни назарда тутди. Лекин, бу соҳада қам ўтмишда яратил-
ган педагогик қарашлар билан замонавий педагогик назариянинг
уйғунлигини таъминлаш шарт. Бунинг учун педагогика фаннинг
фалсафий муаммолари ҳамда дин фалсафасига мурожаат қилиш
талаб этилади. Чунки ушбу манбаларда барқамол инсонни шакл-
лантиришга хизмат қиладиган қарашлар тизими ўз ифодасини
топган ҳар бир шахсда умуминсоний, миллий-ахлоқий, ишбилар-
монлик, билимдонлик, собиткадамлик, эҳтирослилик хислатлари таъ-
лим жараёнида маънавий-маданият даражасига кўтарилиши та-
лаб этилади. Бунда таълим мазмуни муҳим ўрин тутди. Бунинг
учун бевосита ўтмишда яратилган маданий-маърифий мерос ва
жаҳон цивилизацияси ютуқларига таяниш лозим.

Ҳозирги замон педагогик тафаккури билан ўтмишда яратилган
қарашлар орасидаги узвийлик, изчилликни таъминлаб бориш учун
педагогиканинг етакчи масаласи ҳисобланган фалсафий ёндашув-
ларни тадқиқ этиш тақозо этилади. Бунда фалсафанинг эркинлик
ва ҳурфикрлик категориялари таълим мазмунининг негизини
ташқил этиши лозим. Бу ўринда, биринчи навбатда, педагогика
фанининг бугунги кунга қадар фойдаланилмаётган имкониятла-
ридан амалда фойдаланиш эҳтиёжи вужудга келади. Ҳозирги бос-
қичда педагогика фан и шаҳе, унинг дунёқараши, жамиятда тутган
ўрни, шаҳе ва шахслараро, шаҳе ва давлат, шаҳе ва жамият
муносабатлари, шахсининг жамиятда тутган ўрни, унинг бурч ва
мажбуриятлари, ривожланаётган шахсда бурч ва виждон туйғуси-
ни тарбиялаш йўллари ҳақида жуда қам маълумотга эгадир.

Педагогика соҳасидаги изланишлар, биринчи навбатда, худди
шу масалаларни ҳам қамраб оиди га керак. Акс ҳолда, педагогика
фани ўз олдида турган муаммоларнинг конструктив ечимини топа
олмайди.

Педагогика фани таркибида унинг узвий тармоғи сифатида пе-
дагогиканинг фалсафий муаммолари юзасидан илмий изланишлар-

ни амалга оширгандагина педагогика фани таълим жараёнини самарали бошқариш имкониятига эга бўлади.

Педагогика фани ўзининг фалсафий тармоғи б план бир каторда статистик ҳамда ижтимоий соҳалариини ҳам ривожлантириши зарур. Бугунги кунда социология йўналишидаги тадқиқотлар ниҳоятда бўш ва тор доирада амалга оширилаётганлиги учун ҳам социология фанининг предметини педагогик прогностика билан боғлаш имкониятлар чеклангандир. Ваҳоланки, педагогика фанининг ижтимоий педагогика ҳамда ижтимоий психология тармоқлари билан боғлиқ кенг қўламли муаммолари социология фани билан алоқадорликда тадқиқ қилиниши л озим.

Ижтимоий педагогикага оид изланишларнинг қўламини кенгайтиргандагина педагогика фанининг маркаяий муаммоси бўлган фалсафий йўналишларни чуқур тадқиқ этиш имконияти туғилади. Бу ўринда дастлаб таълим ни нг Давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги ўрни аниқ очиб берилиши лозим.

Педагогика фанининг муҳим вазифаларидан бири - таълимнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг мақсад ва вазифалари, таълим даражалари, таълим-тарбияч амалга ошириш механизмлари, узлуксиз таълим тизими компонентлари, таълим жараёнининг мазмуни, таълим натижасига қўйиладиган талабларнинг шахе, Давлат ҳамда жамият манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашлган ҳолда ишлаб чицилишида намоён бўлади.

Таълимнинг мақсад ва вазифалари, унинг мазмунини аниқлаганда, педагогика фани, биринчи навбатда, масалага шахени ривожлантириш, унинг манфаатларини Давлат ва жамият манфаатлари билан уйрунлаштириш, шахе фаолияти, дунёқрашини Давлат ва жамиятни ривожлантирувчи омил даражасига қўтаришга эрипшшни назарда тутмоғи лозим. Бунда таълимни шахе ва жамият тараққиётини таъминловчи мехшшзм даражасида асослаш назарда тугилади.

Жамиятнинг турли соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёжи, фантехника, саноат ҳамда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини тараққий эттириш қўлами, жамият ва Давлат ҳаётининг истикболли йўналишларини аниқлаш мақсадида педагогика фанининг муҳим тармоғи сифатида педагогик пропюстикани ривожлантириш ҳам назарда тугилади.

Жамият ҳаётининг жадал ривожланиши, тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ижтимоий,

сиёсий, иктисодий, илмий-техникавий ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, педагогика фани педагогик прогностиканинг янги шакл ва воситаларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз зиммасига олмоғи талаб этилади.

Амалга ошириладиган тадқиқотлар педагогик прогностика билан таъминлангандагина, таълим Давлат ва жамиятнинг тараққиётини таъминлашга хизмат қилшни мумкин. Айниқса, умумий ўрта таълим тизимининг мазмуни, турли типдаги таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг даражаларини аниқлаш га йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида педагогик прогностиканинг имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо қилинади. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иктисод ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Шунингдек, педагогика соҳасидаги тадқиқотларда педагогик прогностиканинг мотииятини ошириш билангина педагогик амалиётда мавжуд бўлган турғунлик, қотиб қолиш \олатларини бартараф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таълим стратегия си билан боғлиқ муаммоларни ечиш жараёнида ҳам педагогик прогностикадан самарали фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим жараёни, унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситалари, таълим натижаларининг жамият ҳаётига қўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан илғашга асос бўла олади. Аниқ педагогик прогностикага таяниб, амалга ошириладиган тадқиқотлар асосидагина таълим жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида координал ислохотларни амалга ошириш мумкин.

Педагогика фани ўзининг яқин ўтмишдан мерос бўлиб келаётган деклоратив функциясидан воз кечиши лозим. Чунки замонавий педагогика фанида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг натижалари эндиликда маъмурий ташкилотларнинг турли қарор ва қўрсатмаларша илова қилинмаслиги керак.

Педагогака фанида узок, йиллар давомида барча тадқиқотларнинг натижалари ёппасига амалиётга татбиқ қилиниши лозим, деган қараш ҳукмронлик қилиб келди. Лекин ҳақиқатдан узок бўлган бундай ёндашув натижасида педагогик амалиётда турғунлик ҳолати кучайди. Шунинг учун ҳам педагогика фани таълим

жараёнини диагностика қилиш ва яратилган назариялар, ўқув-методик мажмуаларни эксперимент асосида амалиётга жорий қилишнинг методологик асослари, аниқ механизмлари, йўл ва воситаларини ишлаб чиқиши керак.-

Таълим жараёнини диагностика қилиш механизми шу жараённинг ютуқ ва камчиликлари, таълим натижасининг сифат кўрсаткичлари, таълим жараёнига татбиқ қилинадиган педагогик назариялар, янги технологияларнинг таълим амалиётини ривожлангара олиш ёки унинг тараққиётга тўсқинлик қилишини аниқлашга йуналтирилиши керак.

Педагогик эксперимент эса амалга оширилган тадқиқот натижаларининг самарадорлик даражасини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим жараёнини Давлат ва жамият томонидан белгилаб берилган ижтимоий буюртма асосида ташкил этиш талаби билан боғлиқ тарзда амалга ошириладиган тадқиқотларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида кенг қўламли кузатишларни ташкил этиш таълим қилинмоқда. Бу ўринда педагогика фани кенг қўламли экспериментларни ташкил этиш ва ўтказишнинг йўл-йўриқлари, механизмлари, экспериментал жараёнларни ташкил этиш принциплари, экспериментларни экспертиза қилиш мезонларини тақлиф қилиш билан бир қаторда педагогик прогностиканинг хусусий тармоқларида муайян фан асосларини ўқитиш бўйича экспериментларни ташкил этишнинг дастурлари, ўзига хос хусусиятларини аниқлаши лозим.

Шу билан бир қаторда ўтказиладиган экспериментнинг характери билан боғлиқ тарзда ўқув дастурлари, дарслик ёки дарё ишланмалари, методик қўлланмалар, дидактик ишланмалар яратилиши ва эксперимент жараёнига тақдим этилиши керак. Чунончи, агар ўқув дастури тажрибадан ўтказиладиган бўлса, кузатиладиган таълим жараёнини албатта, дарслик ёки дарё ишланмалари, техник воситалар, кўргазмалар куруллар, ўқув қўллаималари билан таъминлашга эришиш талаб этилади. Бунда асосий эътибор ўқитувчининг қайси метод ёки технологияни қўллаганлигига эмас, балки ўқув дастури доирасида тақдим этиладиган таълим мазмунининг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилади. Бу ўринда, албатта, тажриба-синов жараёнига жалб этилган назариялар, таълим моделлари ҳамда тажриба гуруҳларидан олинган натижалар статистик жиҳатдан ишланиши талаб этилади. Бунда тажриба-синов

жараёнининг дахлеизлиги, холислигининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик экспериментларнинг натижалари мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ёки олий ўқув юртида «Нимага эришиш лозим?» - деган саволга эмас, батки «Қандай натижага эришилди?» - деган саволга жавоб бера олиши керак. Утказилиши кузда тутилган экспериментга муфассал тайёргарлик қурил иш и лозим. Бундан тапшари, мамлакат миқёсида амалга ошириладиган экспериментга қуйиладиган ўқув дастурлари, дарслик ёки таълим технологиялари нуфузли илмий-педагогик ташкилотларнинг ходимлари ҳамда методист олимлар муҳокамасидан ўтгандан кейингина эксперимент майдонларига олиб кирилиши талаб этилади.

Амалга ошириладиган эксперимент жараёни ва уларнинг натижалари экспертизасига нуфузати илмий-педагогик жамоалар ҳамда етакчи мутахассислар жалб этилиши талаб қилинади. Кенг қўламли экспериментларнинг амалга оширилиши жараёни ва натижаларининг экспертизаси илмий-педагогик жамоалар томонидан олинган тасдиқданган низом талаблари асосида амалга оширилиши керак.

Экспериментларнинг экспертизаси тажриба-синов талаблари батан боғлиқ тарзда амалга оширилиши ҳамда эксперимент жараёни ва натижаларининг холис тарздаги чуқур илмий-педагогик таҳдиддан иборат бўлиши талаб қилинади. Фақат шундагина педагогик прогностика асосида белгилаб берилган таълим мазмуни самарадорлигини ҳамда педагогика фанида амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари эса Ўзбекистан Республикаси ҳукумати ва хатқ таълими муассасаларининг қонун, қарор ва кўрсатмаларини ривожлантириш ҳамда таълим амалиётига изчил жорий қилишнинг таъминлашга хизмат қила олади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида белгилаб берилган таълим мазмуни қабул қилинган қонун, қарор ва кўрсатмалари таълим жараёнини ривожлантиришга хизмат қила олмаслиги ҳамда жамият манфаатларига мўъжаслиги илмий жиҳатдан асосланса, педагогика фани илмий экспертиза натижаларидан кенг жамоатчилик, қонун чирқарувчи ташкилотларни хабардор қилган ҳолда уларни такомиллаштириш ёки бекор қилиш ҳақида илмий жиҳатдан асосланган тақлифлар киритишни ўз зиммасига олмоғи керак.

Жамият ҳаётини ртужлантиришнинг ҳозирги босқичида педагогик прогностика ўзининг аниқ белгилаб олган мақсад ва вазифалари, объекта ва предмета, тадқиқ этаётган муаммоларининг мантикий асослари, ривожланиш қонуниятлари, ўзининг таянч методологиясига эга бўлган педагогика фанининг муҳим тармоғи сифатида намоён бўлади. Педагогик прогностика Ўзбекистон Республикасида илмнинг устувор соҳаси сифатида мустақил Давлат ва жамиятнинг тараққиётига хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини янгидан-янги педагогик назариялар негизида вужудга келган таълим моделлари ва технологиялари билан қуроллантириш асосида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга йўналтирил гандир.

Педагогик прогностика ўқувчи шахсининг ёш хусусиятлари ва ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳрлда таълим технологияларини танлайди. Танлаб олинган муайян таълим технологиялари доирасида ўқувчиларга турли даражадаги тушунчалар ҳамда интерпритациялашган билимларни тақдим этиш йўллари, шакл ва воситаларини тақлиф қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шахнинг индивидуал карашларшш Давлат ва жамият манфаатларига йўналтириш, жамоани вужудга келтириш қонуниятлари, педагогик жараённинг ижобий натижа беришини таъминловчи моделларни ишлаб чиқишни таъминлаш учун педагогик прогностика шахе ва жамият, уларни уйғун тарзда ривожлантириш қруниятлари ҳақидаги чуқур, ҳар томонлама асосланган билимларга таяниши лозим.

Шунингдек, педагогик прогностика таълим жарёнини педагогик жихатдан таъминлаш, уни янгидан-янги технологиялар билан бойитиш соҳасидаги изланишлари, ўқитувчининг таълим жараёни, ўқувчи фаолиятини мустақил билим олиш сари йўналтиришга раҳбарлик қилиш маҳррати, шахей сифатларини педагогик - психологик тайёргарлиги, хусусий соҳадаги билиминини нутқ, мулоқот, муомала маданиятини ошириш йўлларини тақлиф қилиш устида ҳам изланишлар олиб бориши керак.

Зеро, ўқитувчи шахсининг фаолияти, угашг касб маҳррати, билимдонлик ва маданий-ахлоқий даражаси ҳар қандай педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Модомики шундай экан, педагогик прогаостика ўқитувчи фаолиятини педагогик санъат даражасига кўтаришнинг йўл ва воситалари, ўрта мах-

сус ҳамда олий педагогик таълим беришнинг қонуниятлари мазмуни ва янгидан-янги моделларини ишлаб чиқиш ва тақдим қилишни назарда тутиши керак. Бунда Шарқ педагогикасида ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда жаҳрн тажрибаларидан уйғун тарзда фойдаланиш механизмини яратиш талаб этилади.

Педагогик прогностика ўзи тадқиқ қилишга киришган муаммоларини ҳар томонлама батафеил ёритинш учун ижтимоий психология, социология, антропология, одам анатомияси ва физиологияси, фалсафа, статистика каби фан соҳаларига таяниб иш қўради. Чунки педагогик прогаостика уз изланишларини амалга ошириш жараёнида худди шу фан соҳаларида аниқданган қонуниятлар, аксиома даражасига кўтарилган илмий ҳақиқатларга асосланади. Атшкса, янги моделлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишда бунга қатъий амал қилинади.

Муайян бир педагогик технология назарий жихатдан асосла гапда, педагогик прогностика ўқувчи ҳамда ўқитувчининг жонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, унинг эркин фикрлаш, ижодкорлик қобилятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этипши назарда тутмоғи лозим.

Таълим жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари хоҳ, таълим мазмуни, хоҳ, ўқуь дастури ёки дарслик, хоҳ ўқитувчи фаолияти орқали ўтишидан қатъий назар ўқувчининг жонли ҳаётий тарздаги эркин ва ижодий фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш талаб этилади. Бундай педагогик технологиялар, биринчи навбатда, ҳар бир ўқувчини бошқа ўқувчилар, даре материаллари ҳамда ўқитувчи билан эркин тарзда мулоқот қил шли, фикр алмаппшшини таъминлайди.

Дарслик материаллари таркибида репродуктив ҳамда фронтал тарздаги машқ ва бошқа таълимий топшириқлар микдорини кескин камайитириш маҳсулдор, ижодий характердаги машқ ва топшириқлар тизими билан таълим жараёнини таъминлаш имкогаши беради.

Шу билан бир қаторда педагогик технологиялар ўқув материалларининг кенг қамровли ҳамда кўп вариантлилиги, назорат топшириқларининг валитлилигини таъминлаши талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг фан асосларидан аниқ меъёрланган чуқур билимга эга бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, педагогик технологияларнинг кенг диапазонли бўлиши Давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг максимум миқдордаги ижодий ҳамда эвристик даражаларини белгилаш имконини ҳам бе ради. Шу маънода, педагогик прогаостика тафаккур доирасида бугунги кунга қадар ҳукмрон бўлиб келаётган қуруқ методизмдан воз кечиши керак. Бу демак, таълим-тарбия жараёнини бошқаришда педагогик технологиянинг устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Хусусий дидактика ҳам эндиликда хилма-хил катта-кичик методларни излашдан иборат бўлган тайёр трафаретга айланган тадқиқотлардан воз кечиб, муайян фан соҳаларида амалга ошириладиган таълимнинг самарадорлигини таъминлашни назарда тутиб, янги педагогик технологияларни яратиш билан жиддий шуғуланиши керак. Зеро, хусусий дидактика бу муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилмасдан муайян фан соҳаларини ўқитиш жараёнида шахсни тарбиялаш, унинг маданий-маънавий даражаси, дунёқараши ва миллий руҳи, акдий-интеллектуал салоҳияти, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил эта олмайди. Чунки илгор педагогик технологиялар педагогик амалиётнинг ўқувчи шахсига қонунлар мажмуи, табиат ва жамият ҳодисалари, кишилиқ маданияти ва ахлоқ-одобу муайян фан асосларини танитувчи, сингдирувчи шакли сифатида намоён бўлиши керак. Бу соҳада назарий жиҳатдан қатъий асосланган, ҳар томонлама синовдан утган ҳамда аниқ амал қилувчи қонуниятларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик прогаостика янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш жараёнида дидактик бирликлар орасидаги объектив шарт-шароитлар, барқарор ҳрлатларни ҳамда қонуниятларни ҳисобга олиши лозим. Чунки дидактик бирликлар орасидаги барқарор қонуниятларни ҳисобга олмасдан туриб, педагогик технологияни жорий этишнинг йўли ва воситаларини кашф этиш мумкин эмас.

Педагогик прогностика педагогик технологияларни таълим жараёнига интенсив тарзда қўллаш механизмини яратгандагина, таълим тизимида мавжуд бўлган барча ҳолатларни камраб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки педагогик технология педагогик прогностика орқали узлуксиз таълим тизимини мувофиқлашти-

ришга йўналтирилган ҳар қандай назарияни амалиётда қўллашнинг энг қулай ва самарали воситасидир.

Педагогик технология ўқув-билув жараёнини яхлит тарзда камраб олиш имкониятига эга. Педагогик технологияни кенг қўламда жорий этиш мақсадига эришиш учун педагогик прогностикага таянган ҳрлда кўп тармоқли тадқиқотларни амалга оширишга эришиш талаб этилади.

Янгидан-янги педагогик технологияларни излаш ва таълим амалиётига татбиқ этиш механизмларини тақлиф қилиш орқали педагогик прогаостика педагогика фанининг амалиётга йўналтирилган тармога сифатида намоён бўлиши лозим. Бу билан факатгина таълим ва жамият ҳаёти ривожланиб қолмасдан, балки педагогик юялар ва билимлар ҳам жадал ривожланиб боради. Факатгина сифат жиҳатдан юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали педагогик прогностика шахсни ривожлантиришнинг энг қулай йўллари тақлиф қилиш имкониятига эга бўлади. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш қонуниятларига таяниб яратилган педагогик технологияларгина таълим тизимидан барқарор ўрин эгаллай олади.

Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида Давлат талаблари ҳамда Давлат таълим стандартлари шаклида белгилаб берилган.

Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари таълим тизими олдига Давлат ва жамият томонидан белгилаб қўйилган ижтимоий буюртмани ўзида ифодалайди. Бу ижтимоий буюртма таълим мазмунини педагогик прогностикага таянган ҳолда белгилаш асосида мунтазам янгиланиб боради. Чунки Давлат ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар янгиланиш ва ривожланиш жараёни давом этар экан, ижтимоий буюртма ҳам ўзгариб боради. Бу ижтимоий буюртма, ўз навбатида, Давлат таълим стандарта талабларини ам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Ижтимоий буюртманиш характерини аниқлашда бевосита педагогик прогностика натижаларига таянилади. Акс ҳолда таълим жараёни шахсга нисбатан ривожлантирувчи характер касб эта олмайди.

Шу маънода Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари - мактабгача таълим, умумий ўрта таълим (1-9-синфлар), академик лицейлар ва касб-

хунар коллежалари, олий таълим (бакалаврият, магистратура), илмий педагог кадрлар тайёрлаш тизими (аспирантура, докторантура), педагог ходимларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш буки ни, хусусий хямада нодавлат таълим муассасаларининг барча турлари учун алохида-алохида белгилаб қўйилади.

Давлат талаблари ва Давлат таълим стандартлари педагогик прогностика натижаларига таяниб, илмий жихатдан асосланган ҳрлда Давлат томонидан белгилаб қўйилади ва бир қатор педагогик талаблар, мезонлар, тамойилларга амал қилинган ҳрлда ишлаб чиқилади.

Педагогик прогностика шахсни хвр томонлама ривожлантириш қонуниятларига асосланган ҳрлда Давлат таълим стандарти доирасида таълим мазмуни негизининг минимал хамда максимал, яъни ижодий ва эвристик, шунингдек, таълимнинг муайян даражаларини эгалланганлик, ўзлаштирилганлик натижаларини белгилаб беради.

Таълим мазмунини аниқдашга хизмат қиладиган йуналшлар ва талабларда миллий хамда умуминсоний кадриятлар ахлокий, ҳуқуқий маданият элементлари, фалсафий, иқтисодий, экологик, **ИшфORMацион**, шунингдек, муайян фан соҳасидаги хусусий билимларни ўқувчиларга тақдим қилишни назарда тутган ҳрлда бу соҳдаги изланишларни амалга ошириш лозим.

Педагогик прогностика Давлат ва жамият тараққиётининг ҳрзирги босқичида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида Давлат тили хамда бошқа хорижий тиллардан бериладиган таълим мазмунининг негизи ва асосий йўналишларини аниқлаш учун хар томонлама асосланган назарий қарашлар тизимини татбид этиши талаб этилади.

Таълим стандарти доирасида белгилаб бериладиган йуналишлар хамда таълим мазмуни негизини ташкил этувчи тушунчаларнинг ўқувчиларда рухий имкониятларнинг кенгайиши, аклий-интеллектуал тараққиётни таъминлай олиши назарда тутилади. Бунда Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб бериладиган йўналишлар ва таълим мазмуни негизини ифодаловчи тушунчалар ўқувчиларнинг муайян фан асосларидан эгаллайдиган билимлари, илмий дунёқараш, китобхонлик маданияти, коммуникатив, информацион, ҳуқуқий билимдонлик қўиикмалари, муомала одоби, маънавий-ахлокий хамда умуммадаий қарашларини шакллантиришни назарда тутган ҳрлда белгилашга эришиши тақрзо этилади.

Узлуксиз таълим тизимининг алохида-алохида бўғинлари ва босқичлари учун белгаланадиган Давлат таълим стандартлари таълим мазмуни доирасида интеграция ва табақалаштиришнинг турли даражаларини амалга ошириш имконини бериши лозим. Бунда:

а) Давлат таълим стандартларининг максимум хамда минимум даражалари ўқувчиларларда муайян таълим соҳаси ёки ўқув предмети мазмуни доирасида ўқув хамда умуммехдат қўиикмаларини шакллантириши;

б) турли ёшдаги болаларга уларнинг ёшига мое бўлган даражада таълим олиш, ўрганиш, ижодий фаолият қўрсатиш учун имконият яратиш, яъни таълим мазмунининг махсулдор моделларини тақдим этиш учун имкон бериши;

в) Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида таълим мазмунининг муқрбил, қўп вариантли ва интеграциялашган моделларини қўллаш учун қулайлик яратиши;

г) турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар учун алохида-алохида даражалардаги табақалаштирилган таълимга йўл очиши назарда тутилади.

Педагогик прогностика битирувчи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қуииладиган талабларни аниқлашда масалага шахе манфаатлари, шахе, Давлат ва жамият, фан, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари нуктаи назаридан ёндашилишини таъминлаши лозим. Бунда:

1) таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши мажбурий бўлган ўқув юкламасининг Давлат ва жамият тараққиёти шахе, фан, ишлаб чиқариш хамда ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ва манфаатларига мое келиши;

2) Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб бериладиган йўналишларни нг муайян ўқув фани ёки таълим соҳаси бўйича тақдим этиладиган ўқув материалларининг максимум - ижодий хамда эвристик, шунингдек, минимум-зарурий даражаларини анид белгилаб бера олиши;

3) ўқувчиларнинг эгаллаган билим, қўиикма, малакаларини тезкор назорят қил и ш механизм ини я ратин Iга имкон бериши лозим.

Таълим тиёнмида кенг қўлямли ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги босқичда педагогик прогностика Давлат таълим стандартлари хамда таълим амалиётига тақдим қилинган таълим мазмунининг сифат натижаларини белгилаб қўйилган талаблар асосида таълим жараёнини мунтазам таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг доимий ривожланиб борувчи эҳтиёжлари, таълим мазмунининг сама-

радорлик даражасини аниқлаши, таълим моделларини изчил тарзда янгидан-янги билим ва тушунчалар билан бойитиши, таълимни тезкор бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш соҳасида кенг қўламли тадқиқотларининг амалга оширилиши тақозо қилинади.

Педагогик прогностика Давлат таълим стандартлари параметрлари асосида педагогик диагностиканинг йўналишларини аниқлаши ва ўқувчилар тайёргарлик даражаси, шунингдек, таълим жараёнини диагностика қилиш технологиясини ишлаб чиқиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим жараёнини диагностика қилиш ҳамда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларининг сифатини баҳрлаш ягона занжирни ташкил этишига эришиш лозим.

Маълумки, кўп ҳрларда ўдв дастурида муайян бир тушунча ёки билимни эгаллаш учун белгилаб қуйилган вақт ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятларига мие келмайди. Натигада ўқувчининг вақти ва кучини тежашда номутаносиб ҳрлатлар вужудга келади. Бу ҳрл, энг аввал таълим олувчилар рухий имкониятларининг бир текисда ривожланишига тўсқинлик қилади. Бу ўринда, биринчи навбатда, Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш асосида улар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда тадрижий асосда такомиллашиб бориш жараёнини илмий-методик жихатдан чудур таҳдил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчи ундан талаб килинган биринчи кўникмани эгаллашига нисбатан унинг занжиридаги иккинчи, учинчи ва ҳрказо кўникмаларни эгаллашга бир қадар камроқ вақт ва куч сарфлайди. Чунки шахсга нисбатан ривожлантирувчи характер касб этган таълим мазмунида кўникма ва малакаларнинг ўзаро интерпритациялашуви вужудга келади. Фақатгина ўзаро интерпритация ҳрлатига кирган билим, кўникма ва малакаларгина бир-бирини бойитиши мумкин.

Таълим мазмунининг турли даражаларини белгилаш жараёнида ўзаро интерпритация ҳрлатида турган билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинишини назарда тутиш таълим мазмуни доирасида интеграциянинг турли даражаларини вужудга келтириш, ўқувчиларнинг вақтини оқилона режалаштириш йўллари ва қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Бу ўринда Давлат таълим

стандартлари доирасида билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши, яъни эволюцияси билан боғлиқ тарзда белгилаб қўйиладиган минимум талабларнинг ҳам мунгазам ортиб бориши педагогик тадқиқотларда ўз ифодасини топмоғи керак. Акс додда, таълим ўқувчи шахсига нисбатан ривожлантирувчи характер касб эта олмайди.

Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларини аниқлашда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- ўқувчи меҳнатининг қўлами;
- таълим олувчиларнинг билиш, ўзлаштириш фаолиятининг натижалари;
- ўқувчилар тайёргарлик даражасининг у ёки бу кирраси;
- ўқувчиларнинг касб кўникмаларини эгаллаганлик даражаси;
- хусусий соқага оид билимларининг даражаси;
- ўқувчининг шахсий сифат ва хислатлари;
- шахнининг жамият ҳаётига мослашганлик даражаси ва ҳоказо.

Давлат таълим стандартлари доирасида белгилаб қўйилган талаб ва кўрсаткичлар ўқувчи ҳақида етарли даражада ах борот тушлаш имконини бериши лозим.

Педагогик прогностика ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, шахсий сифатлари, касб кўникмалари, ихтисосликка оид бил ими ҳақидаги ахборотларнинг аниқлиги ҳамда валитлигини таъминлашни назарда тутиб, назоратнинг янгидан-янги, самарали усуллариини таклиф қилишга эришиши талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини назорат қилишнинг янги ва мукамал технологияларини ишлаб чиқиш қамда тақдим этиш кўзда тутилади.

Ўқитиш тажрибасидаги ўқувчи фаолиятини назорат қилиш муаммоси дидактиканиннг муҳим масалалардандир. Бу, ўз навбатида, ўқувчининг билим, кўникма'ва малакаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Назорат қилиш қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқувчи билимини баҳрлаш муаммолари;
- баҳонинг таълим-тарбиявий моҳияти;
- бадолашнинг кўпбалли тизими таърифи;
- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашга яқка тартибда ёндашув;

- билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаққонийлиги, мослиги ҳамда гухталигини таъминловчи шартларни аниқлаш.

Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган назоратни ўдувчиларнинг ўзаро бир-бири ва ўз-ўзини назорат қилиши, назорат натижалари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Автомат тарзда назорат қилиш турлари: машинали ва машинасиз автоматлаштирилган назоратни дуллаш тажрибаси, тест, рейтинг назоратидан амалиётда кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини объектив баҳолаш имконини беради, лекин бунинг учун кун вариантли педагогик, психологик тестларни яратиш ва амалиётга тақдим этиш талаб этилади.

Истикболда таълим мазмунининг самарали моделларини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг шаклланиши, ривожланиш йўналишлари ва унинг бошда таълим тизимларига таъсири назарий жидатдан ўрганилиши лозим.

1-БОБ. Таълим мазмунини прогноз ҚИЛИШ эҳтиёжлари ва унинг назарий-методологик асослари

1.1. Таълим жараёни олдига қурилган ижтимоий буюртма ва унинг қулами

Ўзбекистон да плати ва жамиятининг дозирги тараддиётида таълимнинг ўрни, ахами яти республиканинг ҳукудий демократик Давлат қуришдек улкан вазифаси билан белгиланади. Бозор идтисодиёти муносабатлари ривожланаётган бир шароитда мустадил фаолият қўрсата оладиган, хавфсизликни бардарорлаштиришдек умуминсоний даракатда иштирок этадиган, мамлакатимизнинг жаҳон дамжамиятида идтисодий дамда маънавий жихатдан тенглик асосида бўй қўрсатиши учун хизмат диладиган ёш авлодни тарбиялаб этиштириш мустадил республикамиз таълим тизимининг бош мадсадидир.

Таълим янги сифатдаги идтисодиёт, фан ва ишлаб чидаришни ривожлантиришнинг мудим омили дамдир. Чунки таълим шахенинг тараддиётига таъсир дилиши баробарида шахе дам фан, саноат, миллий капиталнинг ўсишига таъсир қўрсатадиган субъект сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ядин йилларда жадоннинг ривожланган мамлакатлари таълим тизими билан радобатлаша олиши учун қуйидагиларга алодида эътибор даратиш лозим:

1. Республикада амалга оширилаётган таълим сиёсати, биринчи навбатда, жамоатчилик томонидан кенг мидёсда дўллаб-қувватланиши, унинг ижобий натижалари яддол намоён бўлиши керак.

2. Давлатнинг таълим ислодотларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдаги фаоллиги, масъулиятини я нала кучайтириш талаб этилади.

3. Таълим содасида дар томонлама чудур эркинлаштиришни амалга ошириш учун мазкур ислодотлар жараёнининг

имкониятлари, манбаларини аниқлаш ва тобора ривожлантириш зарур.

4. Аниқланган имконият ва манбалардан оқилона фойдаланиш механизмларшш яратиш дам таълимни ислод дилишнинг мудим шарт сифатида қаралади.

Таълимни ислод дилиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсатини амалда ривожлантиради. Зеро, бу сиёсат Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узифодасини топган. Таълим мазмунини янгилаш жараёни Ўзбекистон давлати, жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техниканий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши ни эътиборда тутиш лозим. Таълим мазмунини янгилаш жараёни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий - иқтисодий, илмий - техникавий тараққиётга мутаносиб тарзда амалга оширилганда, ўзининг самарали натижаларини беради. Бунинг учун эса, республиканинг мазкур содалардаги ривожланиш динамикасини мунтазам статистик тадлил дилиб бориш талаб этилади. Ўдв дастурлари ва дарсликлар ДТС талаблари асосида мана шу статистик тадлил натижаларига таянган долда яратилиши шарт.

Таълимда узбек халдининг умуммиллий манфаатларини акс эттириш, уни янгилашнинг бош принпи сифатида зътироф этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дабул дилинғач, таълимни ислод дилиш содасида кенг имкониятлар вужудга келди. Янги типдаги таълим муассасалари ташкил этилди. Давлат таълим стандартлари ишлаб чидилди. Ўқув-методик адабиётлар янги авлодини яратшпнинг танлов тизими татбик дилина бошланди. Ил гор хорижий тажрибаларни оммалаштириш содасида мудим дадам куиилди. Республика таълим тизимини янада ривожлантириш мадсадида чет эл инвестициялари жалб этилмоқда. Шундай бир шароитда таълим мазмунини янгилашнинг мудим вазифаси бевосита ўдв-билув жараёнини ислод дилишдан иборат бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда жадон таълим тизимининг ривожланиш динамикаси таълим жараёнини ташкил этиш, ўдвчининг индивидуаллиги, мустадил шахе сифатида эркин фаолият кўрсатишини таъминлаш мадсадида бир датвор мудим изланишлар олиб бориш, жиддий дадамлар дўйишни тадозо дилмоқда. Чунончи:

1. Жамият тараққиётининг жадаллашуви, шахенинг сиёсий хдма ижтимоий-ҳуқуқий содалардаги танлов имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги, жамиятимиз ёш аъзоларининг мазкур йуналишлардан энг мадбулини танлашга тайёрлик даражасини ривожлантиришпни тадозо дилмоқда.

2. Фан-техника ва инфомацион технологияларнинг тараққий этиши баробарида турлича сиёсий дарашдаги одамлар орасида мулодот имконияти кенгайиб бормоқда. Шундай бир шароитда ўдвчиларга соғлом, ўзбек халди ва жамиятимизнинг манфаатларига мое келадиган гоьлар, мафкуравий дарашларни сингдириш ислодотларнинг марказий йуналиши бўлмоғи лозим.

Шу билан бир датворда, жадон мидёсидаги умумий ривожланиш тенденцияларини дам дисобга олиш мадсадга мувофиқдир. Чунки жадон мидёсида рўй бераётган халдларнинг умумий ривожланиш тенденциялари бизнинг таълим тизимизда бир датвор анид ўзгаришлар қилишни тадозо дилмоқда.

3. Глобал муаммоларнинг туғилиши ва ривожланиши шуни кўрсатадики, бунда улар фадат ривожланган мамлакатлар таълим тизими билан дамкорлик дилиш натижасидагина ечилиши мумкин. Бундай дамкорлик мудитини вужудга келтириш учун миллатимиз ёшларида замонавий фикр дамда инфомацион билимдонлик, коммуникатив саводхонлик ривожланган бўлиши талаб дилинмоқда.

4. Жамиятда соғлом радобат мудитини вужудга келтириш, иқтисодиётни бардарор ривожлантиришга замин дозирлаш, истидболда малакаси ва камлаётатли мутахассисларга бардам бериш, жамият ва ишлаб чидариш талаблари асосида малакали мутахассислар тайёрлашга эришишни назарда тутган долда жамиятнинг ишчи кучига бўлган эдтиёжини ўрга-

ниш натижаларига таяниб, умўмий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларни касбга йўналтириш, технологик ва иктисодий таълим мазмунини бойитишга алохида эътибор даратиш лозим. Бу, уз навбатида, жамият аъзоларининг касбий жидатдан бардорлигини таъминлайди.

5. Иқтидорли ўқувчилар учун алохида мактаблар ташкил этиш ва бу мактабларнинг Давлат дамда домий ташкил отлар томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш зарур. Бундай кадамнинг қўйилиши республикада келажакда илмфаннинг турли содаларини иқтидорли мутахассислар билан таъминлаш имконини беради.

6. Ўқув-методик адабиётларнинг сифатини назорат диладиган Давлат ва жамият ташкилотини вужудга келтириш мудим ахамиятга эга. Бу ташкилотга педагог олимлар, идтисодчилар, ноширлар, ўқитувчи ва методиектлар билан бир даторда зиёли ота-оналарни жалб дилиш мадсадга мувофикдир.

7. Таълим муассасалари ва таълимни илмий - назарий жихатдан таъминлаш билан шуғулланадиган илмий таддидот муассасалари, ўдитувчиларни дайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларига таълим мазмунини янгилашнинг таянч нукталари сифатида дараган долда инновацион фаолият олиб боришлари, инвестиция дастурларини амалга ошириш га иштирок этишларини Давлат томонидан рағбатлантириш мадсадга мувофиддир.

8. Таълимнинг сифатини мунтазам назорат дилувчи мустадил Давлат ташкилотини таъсис этиш вадти етди. Бундай ташкил от Халд таълими ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида фаолият кўрсатмасдан, тамоман мустадил бўлиши ва холис экспертлар билан таъминланиши зарур. Хрзирги кунда мавжуд бўлган вазирликлар таркибидаги мониторинг бошдармалари бу вазифаларни тўла уддалай олмаяпти.

Жамиятда инсоннинг шахей маблағи кўпайиб борган сари таълимнинг адамияти дам ортиб боради. Бу эса интенсив тарзда илгарилаб борувчи таълимнинг адамияти ортиб боришига имкон беради. Эндиликда таълимга интилиш фадатгина ўқувчи ёшларнинг иродаси бўлибгина долмасдан, катталар дам ўдиш-

ўрганишга эдтиёж сезмокдалар. Чунки жамиятда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларнинг аксарият дисми идтисодий, худудий билимлар, информацией технологиялар хамда чет тилларни ўрганишга эдтиёж сезмокда. Демак, жамиятда таълимнинг адамияти ва мавдеи ортиб бормокда.

Ўзбекистан Республикасининг таълим тизими ўзининг сифат натижаларига кўра ядин йиллар ичида жадоннинг ривожланган мамлакатлари даторида юксак даражада ривожланган фан, технологиялар, маданият, спорт, санъат, таълим, информация ва коммуникатив билимдонлик, интеллектуал имкониятларга эга бўлган истидболли мамлакат сифатида намоен бўлишини таъминловчи бош омилдир.

Мамлакатимизда «Умид шгдоллари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг узлуксиз утказилишига кенг имкониятлар яратилаётганлига, ядин йиллар мобайнида республикамиздаги умумий ўрта таълим муассасалари и и компьютерлаштиришга йўналтирилган саъй-даракатларнинг бошланганлиги мана шундай юксак истидболга эришиш йўлида қўйилган мудим дадамлардандир. Бунинг учун, биринчи навбатда, таълим жараёни олдига дуйилган янги ижтимоий талабга жавоб берадиган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш лозим.

Мактаб янги шароитда жамиятни гуманитарлапггарининг мудим нудтаси бўлиши керак. Чунки тамоман янги сифатдаги идтисодий муносабатлар шаклланаётган даврда янгича турмуш тарзи, жамиятни том маънода юксалтиришга додир бўлган замонавий билимлар эгаси, юксак ахлодий меъёрларни эгаллаган тадбиркор шахсларга эдтиёж сезилмокда. Фадат шундай кўникмаларга эга бўлган жамият аъзоларигина мустадил дарорлар дабул дилиш лаёдатига додир бўладилар. Бундай шахслар у ёки бу йўлни танлаш вазияти вужудга келганда энг тўғри йўлдан бориб, водеаларнинг одибатини анид башорат дилиш, дамкорликка кириша олиш салодиятига эга бўладилар. Бундай ўдувчилар, биринчи навбатда, ўз сафдошларидан бардарор дарашларга эга эканликлари, жўшдинликлари, конструктивликлари, диссиётларининг ривожланиб бориши, масъулиятл ил иклари, мамлакат ва жамият, ми л лат таддири учун ўзларини масъул деб билишлари билан ажралиб турадилар.

Таълим тизимининг ҳазирги ривожланиш босқичи тадлили бу жараённинг педагогика фани, айниқса, педагогик прогностика билан алодасини мустақкамлаш эдтиёжи кучаяётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда таълимнинг бутун кучини Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари уйғунлигини садлаш, миллий низоларга бардам беришга йўналтириш муҳимдир.

Таълим жараёни олдида турган долзарб масалалардан яна бири—узбек тилини Давлат тили сифатида ўдвчиларнинг онги ва нуқига сингдириш, тилимизнинг соф лиги, тараддиёти ва умрбодиДлигини таъминлашдан иборатдир. Худди мана шу жараёнда ўқувчиларда миллий ўзликни англаш, хис қилиш туйғуси дам шаклланиб, ривожланиб боради.

Асрлар оша тарих синовларидан ўтиб, барча халқларда таълим-тарбиянинг асосини ташкил этган педагогик назария улоқтириб ташланди. «Таълим-тарбия воситасида шахснинг фазилатларини истаганча ўзгартириш мумкин», деган ақидаға амал қилиниб, ҳар бир шахсға хос бетакрор қобилият, истеъдод назар-писанд қилинмади, таълим мазмуни ҳам, тарбия ҳам бир қолипға солинди. Миллий таълим-тарбия ўрниға умумсовет никобига ўралган ҳукмрон миллат таълим-тарбияси барча халқларға тикиштирилди. Натижада кўплаб миллат ва элатлар, жумладан, ўзбек халқи ҳам тарихи, адабиётға, тарбиявий анъаналари ва миллий усулларидан маҳрум бўла борди, руҳиятида ижтимоий нигилизм илдиз ота бошлади.

Собиқ Иттифоқ таълим режалари ва ўқув дастурлари дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган, 160 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қиладиган улкан сарҳадда таълим коммунистик мафкураининг барқарорлигини таъминлаш воситасиға айланди.

Ўқув режалари ва дастурларини тўғри, оқилона танлай билиш таълим мазмуни, унинг сифат ва самарадорлигини таъ-

минлайдиган асосий омилдир. Ўқув режалари ва дастурлари жамиятда рўи бераётган ижтимоий, иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар, илмий-техника тараққиёти, жамият аъзоларининг маънавий-маърифий ва маданий савиясшпшг юксалиб бориши, ижтимоий муносабатларнинг демократлашуви ҳамда илм-фаннинг ривожланишига қараб ўзгариб боради.

Масалан, бугунги кунда республикамизда бозор иктисодиёти муносабатлари тобора ривожланиб, дуқуқий-демократик жамият шаклланиб бормоқда. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, маърифий-маданий савилси юксалаётир. Илм-фан ривожланиб, халқаро талабларга жавоб берадиган саноат комплекслари бунёд этилаятгги. Уларда юксак **Самара** берадиган технологиии кувватлар ўзлаштирилмоқда. Буларнинг барчаси таълим муассасалари амалиётида бўлган ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, уларни ўзгартириш, такомиллаштириб бориш эдтиёжини келтириб чиқармоқда.

Шу асосда республикамизда кейинги йилларда халқимизнинг миллий-маданий анъаналари, халқ педагоги қаси, мамлакатнинг бугунги кундаги ижтимоий-иктисодий сиёсати, айниқса демографияи жидатдан ўзига хослиги ва ривожланиш истиқболлига мое янгича таълим хизмати шакллантирилаяпти. Унинг педагогик асосини дар бир шахе қобиляти ва истеъдодини ривожлантириш, такомиллаштириш оркали жамиятнинг таълимга бўлган эҳтиёжини қуйидан туриб кондириш ташкил қилади. Ана шундай эдгиёжлар билан бирга мактабни шахе ва жамиятни ривожлантириш омилига айлантира оладиган, миллил-минтақавий хусусиятларини дисобга оладиган, уни демократлаш, инсонпарварлаштириш сари ундайдиган механизм сифатида таянч ўқув режа вужудга келди.

Аслида мукамал ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш учун саъй-даракат республикада 1992 йилданок бошланган эди. 1992-1993 ўқув йилида мактаблар учун ихтиёрий танлаб олиниси мумкин бўлган 4 кўринишдаги, 1993-1994 ўқув йилида эса 12 турдаги ўқув режалари тавсия қилинди. 1995-1996 ўқув йилида таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар ягона таянч ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилиб, тавсия этилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган, ишлаб чиқилган ягона таянч ўқув режаси, дастурлари шу мудим хужжатлар талаблари ва руҳига мослаб такомиллаштирилди. Уни ишлаб чиқишда дозиргача амал қилиб келган барча ўқув режалари ва дастурларида нимаики илғор ва самарали жиҳатлар бўлса, улар янги таянч ўқув режасига олиб қирилди ҳамда республикадага энг илғор ижодий ишловчи, тадқиқотларни амалга ошириш салоҳиятига эга бўлган 23 та ўқув муассасаларида синаб кўрилди. Албатта, яратилган таянч ўқув режалари ва дастурларининг самараси тўғрисида батафеил фикр айтишга эрта, улар Жақида узил-кесил фикр айтиш тажриба-синов иатижаларидан кейин бўлади. Шу синовлар хулосаларига қараб, балки айрим ўқув режалари ва дастурларни янада такомиллаштиришга тўғри келади.

Таянч ўқув режаси жамиятнинг таълимга бўлган ижтимоий буюртмаси, Давлат талаби билан ўқувчининг шахеий имконияти ўртасидаги тафовутни мувофиқлаштирувчи воситадир. Шу боисдан ҳам уни ишлаб чиқишда қуйидаги омилларга амал қилиш лозим:

- таянч ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилгунта қадар таълимда амал қилиб келган барча ўқув режалари ҳамда дастурлардаги энг мақбул бўлган жиҳатларни атрофлича тадлил қилиш ва янги таянч ўқув режалари ва дастурларига олиб қирши;

- таянч ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилаётган даврда давлат, жамият манфаатларидан келиб чиққан долда таълим ривожланишининг бош йуналишларини (стратегик) дисобга олиш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ҳамоданг жамият талаби, фан, техника, технология ва маданиятнинг сўнгги ютуқларини дисобга олган долда умумий ўрта таълимнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш;

- ўқувчиларнинг ёши ва физиологияи хусусилтлари ўқув юктамаларининг санитария-гигиена меъёрларига мое бўлишини таъминлаш;

- умумий ўрта таълимга узлуксиз таълим тизимида навбатдаги касб-хунар эгаллашга тайёрлашнинг алоҳида босқичи сифатида қараш;

- умумий ўрта таълимнинг устуворлигини назарда тутган ҳолда таълим тизимини кўтредметлиқдан халос этиш, интеграл таълимни жорий этишга йўл очиш;

- республиканинг ҳудудий, демографии, маънавий-педагогик шарт-шароитларини ҳисобга олиш;

- маънавий-ахлоқий тарбиянинг халқ педагогикасига асосланган самарали шаклларини жорий қилиш;

- ўқувчилар ижодкорлигининг ривожланишига шароитлар яратиш, уларнинг қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу ўқув предметлари чуқур ўрганиладиган синфларни ташкил этиш;

- ўқув режалар ва дастурларини маҳаллий ҳамда жаҳрн педагогикаси тажрибаларини таҳлил этиш асосида такомиллаштириш;

- умумий ўрта таълим соҳасида узлуксизликни таъминлашга имкон берадиган интеграциялашган курсларни яратиш ва ҳрказолар.

Ўқув режасига киритилган ўқув предметларини таълимни демократлаштириш, мактабнинг ҳудудий эҳтиёжлари ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, Давлат ва мактаб компонентларига ажратиб ўқитиш сакланиб қолади. Ўқув режасининг Давлат компонента Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг яхлитлигини таъминлайди. Умумий ўрта таълим муассасалари битарувчилари томонидан билим ва кўникмаларнинг энг зарур (минимум) миқдорини эгаллашни кафолатлайди, уларнинг кейинчалик академик лицейлар ёки касб-хунар коллежларида уқишни давом эттиришига асос яратади.

Ўқув режасининг мактаб компонента эса ҳар бир таълим муассасасининг уз қиёфасини намоён қилиш учун имкон яратади, ўқувчиларнинг ўзига хос интилишлари, характер хусусиятлари ва қизиқишларига мое тарзда уларни индивидуал ривожлантиришга шароит тугдиради,

Давлат компонентидаги таълим соҳалари бўйича бир-бирига яқин ўқув предметларини уйғунлаштириш, алоҳида

предметлар учун узлуксиз таълим истикболларини яратиш, ўрганилаётган предметлар сонини кўриб чиқриш ва ўзгартириш, пировард натажада қуйидаги таълим соҳалари бўйича Давлат компонентидаги ўқув предметларини жорий этиш, уларни ўқитиш самарадорлипи оширишга имконият ва шарт-шароит яратилади. Улар қуйидагилар: филология соҳасига она тили ва адабиёт, Давлат ва хорижий тиллар киритилган бўлиб, улар жами Давлат компонентида ажратилган ўқув соатларининг 40,5 фоизини ташкил этади. Бу соҳа ўқувчилар саводхонлипи таъминлайди, тўғри ва чиройли ёзиш, талаффуз, мустақил фикрлаш услубларини ўргатади, адабий рамзлар воситасида миллий-маънавий, маърифий-ахлоқий фазилатларни тарбиялайди.

Она тили ва адабиёт укув фанини ўрганишда қисман ўзгартиришлар қилинади. У ни ўрганишга жами ўқув соатларининг 26,4 фоизи ажратилади. Бунинг сабаби шундаки, бу ўқув предметлари ўқувчиларнинг маданията, зукколигини тарбиялайди, уларни мустақил фикрлаш, тафаккурини ривожлантириш, ўз фикрини аниқ, содда, пухта ифодалаш, саводхонлик ва нотикликка ўргатиш имконини беради. Қолаверса, узбек тили ўқувчиларнинг хорижий тилларни пухта ўрганиб ол ишлари учун кўприк вазифасини ўтайди.

Ўқув режасидаги хорижий тиллар учун жами соатларнинг 14,55 фоизи ажратилган. Инглиз, немис, француз ва бошқа тилларни ўрганиш назарда тутилади.

Таълим узбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўқув режасида Давлат тилини ўргатишга ажратилган соатлар ҳисобидан 21 соат миқдорида 2-синфдан эътиборан рус тили предмета киритилди. Бунта эса жами ўқув соатларининг 8,3 фоизи ажратилади.

Ижтимоий билимлар соҳасида 6,7 фоиз Ўзбекистон тарихи, умумий тарих, Давлат ва ҳуқук асослари, Давлат ва жамият, иктисодий билим асослари ўқув фанлари ўргатилиб, ўқувчиларга ўз мамлақати тарихи ва Давлат тизими қрнунлари, унинг иктисодий-ижтимоий ривожланиш тамойилларини ўргатади.

Математика таълими - математика, геометрия, алгебра ва анализ асослари, информатика ва ЭҲМ асослари каби курсларни камраб олади. Бу соҳага жами ўқув соатининг 18,9 фоизи ажратилади.

«Табиий билимлар» соҳаси ўқувчилар онгида Ватан ва жаҳон табиатининг илмий манзараларини шакллантириш ҳамда таълимни инсонпарварлаштириш муаммосини хал этишда етакчи ўрин эгаллайди.

Ўқув режасида табиий фанларни ўрганиш асосий ўринлардан бирини эгаллаган (14,2 фоиз), бу йўналишда интеграциялашган курслар («Табиатшунослик», «Табиёт») яратилади.

«Санъат» деб номланган соҳа ўз ичига эстетик ва бадиий циклдаги предметларни камраб олади (тасвирий санъат, музика, одобнома) ва у жами ўқув соатларининг 7,1 фоизини эгаллайди.

«Технологик таълим» соҳаси ўқув режасининг Давлат компонентидаги меҳнат ва чизмачилик фанларини камраб олган. У ўқувчиларни касб-хунарга йуналтиришни янада кучайтириш, замонавий ишлаб чиқариш асослари, маиший хизмат, уй ва оилавий хўжаликни юритиш ҳамда сила бюджетини ўргатиш мақсадларини кўзда туттади.

«Бошланғич (1-4) синфларда: «Меҳнат таълими», «Математика ва конструкция», «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат» каби интеграциялашган курслар ургатилиши мумкин.

1-7-синфларда «Оила маданияти», «Оила иктигодиёти» курслари ўқувчиларни маданиятчиликка, тежамкорликка ўргатади. «Бадиий демократии ижодкорлик» курслари ўқувчиларни халқ миллий хунармандчилигига хурмат руҳида тарбиялайди.

8-9-синфлардаги «Касб-хунар танлаш» бўлими ўқувчиларнинг касб танлашга онгли муносабатини шакллантиради.

«Сўғломлаштириш» таълими бўйича жисмоний маданият, фуқаро муҳофаази, инсон хавфсизлиги асослари каби курслари ўқитилиб, уларга 7,1 фоиз вақт ажратилади.

Мактаб компонентида ажратилган соатлар 5-9-синфларда 3 соат, 1-4-синфларда эса 2 соат қилиб белгиланган. Бу, албатта етарли эмас, тажриба-синов натижаларига қура ушбу ўқув соатлари кўпайтирилиши мумкин. Шу ўринда мактаб

компонентига ажратилган соатлардан фойдаланиш хусусида баъзи мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Айтиш жоизки, мактаб компонентида берилган соатлар айрим ўқитувчиларга даре соатларини «кўшиб бериш» воситаси эмас. У ўқувчи шахсининг ижодий, амалий, ўз устида мустақил ишлаш фаолиятини яхшилаш воситасидир. 1-4-синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ўқувчиларнинг умуман маънавий, ахлоқий-хуқуқий фазилатлари, бадиий-эстетик дидларининг ривожланишига қаратилади. Шу билан бирга мактаб компонентида ажратилган соатлар факультатив ва ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра ижодий қобилиятини ўстирувчи **якка**, гуруҳ, машғулотлари ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишга сарфланади.

Ихтисослашган мактаб (синфлар)да эса таянч ўқув режаси асосида мактаб компонентида ажратилган соатлардан ихтисослашган фанларни ўргатишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хайъати тавсия этган дастур ва қўлланмалар ёки мактаб методика бирлашмалари маъқулланган мутахассислар гуруҳи томонидан яратилган алоҳида режа ва дастурларни жорий қилиш мумкин. Бунда нафақат ўқувчиларнинг ҳоҳиш-истаклари, балки малакали мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, мактаб компонентида берилиши кўзда тутилган предметларни ўқитиш учун моддий база ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам ҳисобга олилади. Мактаб компонентида олиб қилинадиган фанларни ўқитиш мактаб педагогика кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

Давлат компонентидаги ўқув фанларига ажратилган соатларнинг ўрганилиши тўғрисида юқорида айтилганларга қўшимча тарзда яна шуни таъкидлаш жоизки, ўқув фанлари фақат Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурлар бўйича ўқитилади.

Хорижий давлатлар амалиётида уч компонент.ч таянч ўқув режаларининг мавжудлиги ҳам учраб туради. Масалан, Рос-

сия Федерацияси демографии, сиёсий ҳуқуқий, тарихий-этник жихатдан Ўзбекистондан сезиларли фарқ килади. Бу мамлакатда тили, тарихи, географияси, маданияти, диний эътиқоди ва миллий анъаналарига кура жиддий фаркланувчи 150 га яқин миллат ва элатлар истиқомат қиладиган мухторият ва ўлкалар мавжуд. Шу боисдан ҳам мамлакатда юқоридаги компонентларга қўшимча тарзда Федерал Давлат ўқув режаси компоненти ҳам тақдим қилинган.

АҚШ ва Олмония Федератив Республикаси каби ривожланган давлатларда эса таълим маъмурий, ҳудудий жихатдан фаркланиши маълум. Узбек истонда ҳам табиий-географик, тарихий-этник, ижтимоий - иқтисодий тафовутга эга бўлган алоҳида маъмурий ҳудудлар борки, уларда таянч ўқув режасининг мактаб компоненти ихтиёридаги соат ҳисобида «Миллий маданият тарихи», «География», «Экология», «Психология», «Этика», «Халқ хунармандчилиги» сингари бир катор қўшимча курслар ўқитилиши мумкин. Шулар билан бир каторда мактаб ихтиёридаги соатдан ҳар бир ўқувчининг майли, қизиқишига мувофиқ Давлат компонентидаги ўқув фанларини чуқурлаштириб урганиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Зотан, ҳар бир мактабга хос ўқув режа ва таълим мазмуни шу тарика вужудга келади.

Демак, таянч ўқув режанинг мактаб ихтиёридаги даре еоатлари ҳар бир ўқувчининг алоқиди шахс сифатида ривожланишига имкониятлар яратади. Бу жихатдан у таълим инсонпарварлашувининг муҳим шарти ҳисобланади. Аммо ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мактаб ихтиёридаги соатларни тор, ўткинчи мақсадларга сарфлаш қутилган натижани бермайди.

Бошланғич таълим тобора юқори синфга томон силжимоқда. Эндиликда уч йиллик бошланғич таълим Хитой, Россия ва Колумбиядагина мавжуд. Айрим ривожланган давлатлар олти йиллик бошланғич таълимга утган. Бунга асосан ўқув фанларини интеграциялаш эвазига эришилмоқда. Бу жараённинг олдинги сафларда кетаётган АҚШ, Олмония мактабларида ўрганиладиган фанга оид тушунча ва категориялар сонини қискартириш характерлидир.

Жумладан, АҚШ мактабларида фанга оид 10 мингга тушунча билан шуғуланилса, собиқ Иттифоқдаги мактабларда бундай тушунчалар сони 50 мингга яқинлашарди. Ўқув юкмаси ҳажмидаги тушунчаларнинг бундай нисбатда бўлиши АҚШда таълим мазмуни интеграциялашганлиги билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, дидактика соҳасидаги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ўқувчининг билимдонлигини ривожлантириш учун тушунчалар миқдорини кўпайтириш шарт эмас, балки унинг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантирувчи, индивидуаллигини оширувчи таълим жараёнини вужудга келтириш муҳимдир.

Бугун мамлакатимизда таълим 7 тилда олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг қайси тилда ўқишларидан қатъий назар фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол киришиб кета олишига имконият яратиш мақсадида таянч ўқув режанинг Давлат ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўрганиладиган филология соҳаси, Давлат тили, хорижий тил ва адабиёт предметларидан иборат қисмларга бўлинди ва Давлат (узбек) тилини барча мактабларда ижтимоий зарурият даражасида билим эгаллаш, кўникмалар ҳосил қилишга етарли вақт ажратишни назарда тутди.

Таянч ўқув режа мамлакат ҳудудида ягона таълим мазмунини кафолатлайди, айна вақтда ўқувчини ривожлантириш имкониятларининг рўёбга чиқишига ҳам йўл очади. Шунингдек, таълимни демократлаштириш йўлидаги турли маъмурий бўйруқбозликлар бартараф этилади. Аммо тилларни ўзаро алоқдорликда ўрганишни оптималлаш, таълимни интеграциялаштириш кайси синфга давом эттириш, мактаб компонентининг дидактик тизимини яратиш сингари ечимини қутаётган масалалар ҳам борки, таянч ўқув режани тажрибадан ўтказиш жараёнида буни назарда тутиш зарур.

«Ижтимоий буюртма»ни тўғри англаш ва уни белгилаш ўта масъулиятли, нозик, маълум маънода ҳавфли ҳамдир. Чунки агар ижтимоий буюртмани белгилашда мамлакат эқтиёжидиги, ҳаётий имкониятлардан узилиб қолинса, унга асосланган таълим мазмуни ўқувчи шаҳеини ривожлантирмайди ҳамда

таълим жамиятни таракдиёт сари етаклай сшмайди. Ёки аксинча, таълим олувчиларни кераксиз (ортиқча) зўриктириб кўяди. Хар иккала хрлда хам шахе, давлат, жамият катта зарар кўради. Вақт ўгиши билан таянч ўқув режанинг Давлат компонентидаги ўқув фанлари мазмуни (давлат таълим стандарти) ижтимоий буюртмадан ортда кола бошлайди. Чунки Давлат таълим стандарти билан шахенинг тиббий-физиологии ва интеллектуал имконияти ўртасидаги мувозанат ўзгаради.

Шу билан бир каторда иқтидорли болалар сафи кенгайиб бориши билан мавжуд ўқув юклама меъёрини ўзгартириш ижтимоий заруриятга айланади. Бинобарин, ижтимоий буюртма ва унинг мавжудлик ифодаси - Давлат таълим стандартини фақат Ўзбекистоннинг демографии, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукукий ва этнографик ўзига хосликларига мувофиқ белгиланади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Олмония, Япония ёки АҚШ каби хорижий давлатлар таълим тизимини айнан кўчиришга тарафдор бўлган мутахассислар ишнинг масъулиятини теран ва хар тарафлама хис қилишлари лозим. Тўғри, хорижнинг илғор педагогик технологияси, айниқса, ўқув-методик мажмуаларидан ибрат олиш ва хатто нусха кўчириш фойдодан холи эмас. Жумладан, хориж педагогик технологияси, дарсликларнинг янги авлоди, дастурлаштирилган методик даре тизимларининг айнан ўзини эмас, уларни яратишнинг асосий тамойилларини узлаштириш мумкин. Анъанавий чизмачиликда буюмнинг чизмаси унинг тасвирига қараб бажариладиган бўлса, янгича таълимда унинг аслига қараб чизиш афзал хисобланади. Хорижда кенг тарқалган бундай усулда инсоннинг барча сезги анализаторлари иштирок этади.

Шунингдек, Олмония, Япония сингари ривожланган давлатларда анъанавий харита ва атласлар ўрнида ихчам, чидамли, энг мухими, дидактик жихатдан самарали митинг слайд (катлама) хариталардан фойдаланилади. Шундай слайд хариталардан «Сигарет кутичадек» мосламага 100 таси жойланади. Катлама усулидаги атласлардан фойдаланишда харитавий

юкламани ўқувчи салоҳиятига мослаб исталганча содалаштириш мумкин. Бундай таълим воситасида ўқувчиларни табақалаб ўқитиш осон кечади. Дастурлаштирилган методик даре тизимлари воситасида эса, таълим жараёнини экстенсив йулдан интенсив йулга ўтказиш хам мумкин. Натихада ўқитувчининг анъанавий касби мохиятан дастурлаштирилган таълим тизимларини пулыт воситасида бошқарувчи, ўқитувчи-операторга айланади.

Бунда синфдаги удувчилар сони хозиргидан 2-3 марта кўп бўлганда хам ўқитувчи толиқмайди. Туркияда янги педагогик технология шарофати билан ўқувчилар сони 60 дан ортиқ бўлган синфларда даре бериш одатий долга айланган.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидагича хулоса дилиш мумкин:

Таянч ўқув режа ўзаро шокадор икки жихатнинг мувозанатидан вужудга келади.

1. Жамият аъзоларининг таълим хизматларига бўлган ижтимоий буюртмаси. Ижтимоий буюртма таълимнинг Давлат стандарти (модул ифодаси) кўринишда ифодаланиб, мамлакат аҳолией таълим даражасининг энг қуйи меъёрини акс эттиради. Таълимга қўйилаётган ижтимоий буюртма цивилизациянинг макон ва замон ўлчамларидаги даражасига ҳамон ўнг ўзгариб туради. Мамлакат ижтимоий буюртмаси таълим стандартини турли йиллар бўйича таққослаш ёки бошқа давлатларникига қиёслаш асосида бунта ишонч хосил қилинади. Ижтимоий буюртма замон ва макон ўлчамларига қараб ўзгариб турар экан, унинг модул ифодаси - «Давлат таълим стандарти» хам вақт ўтиши билан мамлакат таракқиёти даражасидан ортда қолиши мумкин. Бунда ДТС талаблари ўз вақтида такомиллаштирилмаса, бу таълим сифати ва у оркали жамият таракқиётига салбий таъсир этади.

Демак, Давлат таълим стандартининг амалиётга жорий этилишига тадрижий ҳолда 5-10 йилдан кейинги таълим сифати меъёрларини прогноз қилувчи илмий тадқиқотларга киришилади.

Хуллас, ижтимоий буюртма - унинг амал қилиш воситалари Давлат таълим стандарти билан таянч ўқув режа хам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий-этник, этно-пе-

даго гик ўзига хосликлари асосида вужудга келади.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоқазалар ўқув режалари, дастурларини синаб қўраётган барча тажриба-синов майдонларида ким томонидан ташкил этилганлигидан қатъий назар вазирлик, вилоят халқ таълими бошқармалари, педагогика институтлари ва бошқалар ҳисобга олиниши, тажриба-синов майдонлари зиммасига қўйилган вазифалар тоят аниқ, пухта, синчковлик билан амалга оширилиши керак.

Жаҳоиддаги ривожланган мамлакатларнинг таълимни ислох қилиш соҳасидаги тажрибалари шуни кўрсатадики, лойиҳалаш методи асосида комплекс ўқитишга йуналтирилган инновацион дастурлар ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. АҚШ ҳрмда Европанинг бир қатор давлатларидаги таълим дастурлари ва инновацион лойиҳалар бунга мисол бўла олади. Умумий ўрта таълим жараёнини муайян пршщипларга таянган ҳрлда эркинлаштириш натижасида купгина каммахсул, стихияли ҳамда шахсий бонтқарувга асосланган «таълим технологиялари» истеъмолдан чиқади. Чунки бугунги кунда янги педагогик технология макрми остида ҳеч қандай илмий, методик асосга эга бўлмаган сийқа усуллардан ҳам даре жараёнида фойдаланилмоқда. Бундай каммахсул ўин дареларга зўр бериш натижасида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлиги, математик \исоблаш қобилияти, ўқиш суръати кескин пасайиб, сияфдаре тизими мавҳумлашиб бормоқда. Бунинг учун:

бугунги кунда илғор ёки педагогик технология мақоми берилган ҳрлда даре жараёнида фойдаланилаётган барча дидактик ўинлар, технологияларни тўплаб, уларнинг я гона банкени вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Вужудга келтирилган мазкур банкни назарий-методик жиҳатдан ўрганиш, асослаш, та\лил ва тасниф қилиш, ҳақиқатап Ҳам махсулдорлик даражаси юқори бўлган педагогик технологияларни аниқлаш лозим.

Ўқувчиларнинг мустикал фикрлаш фаолияти, индивидуалиги, билим, куникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қила оладиган, махсус илмий экспертизалар х^мДД экспериментлар асосида аниқланган янги технологияларни амали-

ётда куллаш учун тавсия қилиш талаб этилади.

Таълим жараёнини иелох қилишдан кўзда тутиладиган бош мақсад, унинг сифати ва эришилиши мумкин бўлган даражаси, ўқувчи шахсининг эҳтиёж ва имкониятлари билан боғлиқ тарзда ўқув-билув жараёни якунида таълимнинг максимал ва минимал даражаларини эгаллаш талабининг қўйилиши, ўқув-билув жараёнида ўқувчи шахеига индивидуал ёндашув ёки индивидуал таълимни босқичма-босқич жорий этишни тақозо қилади. Зеро, индивидуал таълим бериш тажрибаси Урта Осиё ва Шарқ халқларида узоқ тарихга эга.

Таълим олувчига индивидуал ёндашув ўз вақтида самарали ва оқланган усуллардан бири х^мбланади. Чунки «рустузем» мактаблари очилгунга қадар хусусий мактаб ва мадрасалар ёки олимлар цўлида болалар индивидуал таълим олганлар. Кўплаб истеъдодли шахслар, юксак иқтидор эгалари, мутафаккирлар етишиб чиққан ва энг мухими, улар жуда ёшлиқларидан бошлаб, ўзларининг истеъдод ва талантларини намён қилиш имкониятига эга бўлганлар.

Совет ҳокимияти йилларида «барчани ёппасига саводхон қилиш» шиори ўртага ташланди. Натижада, барчата бир хилда я гона «типовой» дастур ва дареликлар воситасида таълим бериш тизими вужудга келди. Таълим тизимига «типовой» дастурларнинг жорий этилиши баробарида ўқувчининг шахсий қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятлари чеклаб қўйилди. Лекин бу даврда ҳам индивидуал таълим олиш уй вазифалари, кушимча дарелар, тўгарак машғулотларда сакланиб келинди.

Ўқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларига қараб уларга индивидуал таълим беришни ташкил этиш ўқитиш жараёнини истикболда такомиллаштиришнинг муҳим шarti \исоблечилди. Бунинг учун:

- биринчи навбатда, амалдаги синф-даре тизимини ислох қилиш;
- индивидуал таълимнинг назарий-методик асосларини яратиш;
- индивидуал таълим жараёнини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш;

- индивидуал таълимни идтисодий ва ижтимоий жихатдан асослаш;

- индивидуал таълим бериш жараёнини бошдаришга ўдитувчиларни педагогик - психологик, касбий ва маънавий жихатдан тайёрлаш ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Укув-билув жараёнининг бу янги тури педагог олимлар, амалиётчилар, социологлар, психологлар, иктисодчилар, ота-оналар дамда халқ таълимини бошқарувчи директив ташкилотларнинг ходимлари ҳамкорлигидагина эгалланиши мумкин.

Ҳар бир шахе ўзигагина хос бўлган фикрлаш тарзи, характери, темпераменти, қизидшплари, қарашларига эга бўлади. Бундай долатнинг мавжудлиги шу билан изодланадики, агар шахе муайян тарихий эволюцион жараённинг иштирокчиси сифатида намоён бўлар экан, у ижтимоий муносабатларга жалб этилади.

Шахе индивидуал план да такрорланмас, ўзига хос хислатлар ва фазилатлар йиғиндисини ўзида мужассамлапгирган мавжудотдир. Ҳар бир шахе фикрлаш тарзининг ўзига хослиги, хис қила олиш имконияти, мотивлари, истаклари, дизидишлари, одатлари, кайфияти, дис-даяжони, истакнинг пайдо бўлиши, унинг қатъийлашиш билан бир-биридан фарқ дилади. Интеллектнинг перцептив сифатлари дам ўзига хос бўлади. Таникли психолог В.В.Давидов индивидуаллик тушунчасига қуйидагича таъриф беради: «Индивидуаллик мазкур шахенинг ўзигагина хос бўлган белгилар йиғиндисидир».

Индивидуалликка эътибор бериш натижасида ўқувчи шахсининг истеъдоди, қобилияти намоён бўлади. Бу қрбилият ва истеъдод таълим жараёнида шаклланиб, ривожланиб боради. Индивидуалликнинг намоён бўлиши ижтимоий психологик ва педагогик аҳамиятта эга. Таълим жараёнида ўқувчидаги индивидуалликни ривожлантириш натижасида шахсга ўзшнинг ўзига хослигини намоён дилиш имконияти берилади. Ўқувчи шахсени ижтимоийлаштириш фақат эркин тарздаги ўқитиш шароитида амалга оширилиши мумкин. Ўқувчидаги индивидуал имкониятларнинг ривожланиши, идрокнинг ўсиши билим ва дариятларни узлаштириш дамда такдим этиш имкониятини беради. Ўқувчидаги шахей сифатларнинг айнан мана шундай

ривожланиши унинг моддий олам, маданият ва маънавият дунёси билан мулодот қила олинганинг енгиллаштиради. Бунинг адамияти ўдитувчининг даре жараёнини бошқариши учун қулайлигидадир. Ахборотларнинг дар хил турлари, педагогик таъсирнинг шакллари, ўдувчи билан ўқитувчи мулоқоти ва дамкорлиги, дар бир ўқувчи шахсининг индивидуал дирраларини дисобга олган долда такдим этилади.

Таълим беришда самарадорликка эришиш, дар бир ўдувчининг ўзига хос қирраларини намоён қила олиши учун ташкилий - педагогик шарт-шароитларни вужудга келтириш лозим. Бизнингча, булар дуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларни мактабга дабул дилишда уларнинг индивидуал қирраларини аниқлаш мақсадида педагогик дамда психологик характерга эга бўлган вербал дамда новербал тестлардан кенг фойдаланиш;

- ўқувчиларни синфлар бўйича жамлашда уларнинг добилияти, қизиқишлари бир хиллиги ва айнан мое келишита эътибор бериш;

- дастур ва дареликларни яратишда ўқувчиларнинг қобилияти, интилиши, қизиқишлари ва эдтиёжларини аниқдисобга олиш;

- бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг касб мотивларини аниқлаш ва уларни касб га йўналтириш бўйича педагогик-психологик тадбирларни жорий дилиш ва б.

Мудими шундаки, индивидуал таълим ўқувчи имкониятларини излаш, добилият ва истеъдодларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва мадсадли йўналтириш сари кенг йул очади.

1.5. Таълим мазмунини белгилашга бўлган замонавий ёндашув

Умумий ўрта таълим жараёнида синфдан-синфга утган сари ўқувчиларнинг таълим олиш йуналишларини индивидуаллаштириб бориш лозим. Бунда удувчи фаолиятининг шакллари кўпайтириб боришга эришиш талаб этилади. Чунончи, билимларни узлаштириш, уларни амалда қўллашдан бошлаб конструкциялаш, лойидалашни ўқувчининг ўзи амалга ошириши лозим.

Таълим мазмунини янгилаш нуктаи назаридан ёндашганда, ўқувчининг лойихалаш, лойихачилик фаолиятига кенг йўл очиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчи лойихалаш (фаолиятига киришиши натижасида кўпроқ мантикий фикрлашга ҳаракат қилади. Яъни фантастик ҳамда ихтирочилик қобилиятини намоён қилиб, ривожлантириб боради.

Ўқув-билув жараёнида лойихалаш фаолиятига кенг йўл очиш ўқувчининг лойихачилик қобилияти, эркин фикрлаш салоҳиятини намоён қилишига имконият берибгина қолмай, ўз лойихаларини текшириб кўриш ҳаракатини натижалари фаолиятдан фарқлашига ҳам ёрдам беради. Лойихачилик фаолиятининг ривожланиши ўқув-билув жараёнининг нечоғли эркин ва кўп қирралиликка, кўп фаолиятлиликка асосланганлигига боюпшидир.

Ўқувчи фаолиятининг мазкур тури педагоглар томонидан махсус ташкил этилган лаборатория шароитида ривожланади. Махсус яратилган бундай шароит ўқувчиларга мустақил ҳаракат қилиш учун қулай имконият яратади. Мутлақо ҳавфсиз шароитда реал натижа олишга имкон беради. Маданий ва қулай шароитларда ҳрсил қилинган малакаларни текшириб кўришни амалга оширишни таъминлайди.

Бугунги кунда республикамиздаги бир қатор мактабларда шундай лабораториялар ташкил этилган, лекин уларда ўқувчиларнинг лойихачилик фаолиятига кенг йўл очилган, деб айтмаймиз. Айни вақтда лойиха ўқувчи томонидан бажарилган мустақил ишнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Уни атрофдагиларга ўқувчиларнинг мустақил фаолияти натижаси сифатида тақдим этиш ниятида муҳимдир.

Лойихани амалиётга татбиқ этиш воситаси сифатида ўқувчиларнинг у ёки бу ўқув фанидан ёки айни бир вақтнинг ўзида бир неча ўзаро яқин бўлган ўқув фанларидан эгаллаган билимлари ва малакаларини қўллаш эҳтиёжи туғилади. Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг лойихалаш фаолиятига йўл очиш натижасида ўқув фанларини интеграциялаш ҳамда таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари ва стратегиясини татбиқ қилиш учун қулай шарт-шароит яратилади. Бун-

дай фаолият натижасида эгалланган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси, информацион технологияларни эгаллаш имконияти, коммуни катив ҳамда ижтимоий жихатдан билимга эга бўлиш омилкорлиги шаклланади.

Ўқув-билув жараёнида эркин тарзда ташкил этиб, ўқувчи иахсига йўналтирган шароитда уларнинг лойихалаш фаолияти умумий ўрта таълим босқичининг 4-синф охири 5-синф бошида бошланади. Чунки бу ёшда ўқувчиларда билимларни эгаллаш ва уларни амалда қўллаш имконияти кенгая боради.

Лойихалаш фаолияти индивидуал ҳамда гуруҳли тоғанирикларни бажаршн сифатида мустақил ижодий иш тарзида амалга оширилиши мумкин. Лойиха ҳақидаги фикр ўқув-билув жараёнида ўқув фаолиятини бажаршн асносида ўқув материалининг мантикий давоми сифатида туғилади. Ўқувчиларнинг лойихалаш фаолияти бир неча ўқув предметига оид кўникмаларни мужассамлаштирган ҳолда қўллашни тақозо қилгани учун ҳам тўла маънодаги мустақил ҳамда ижодий ҳарактерга эга бўлади. Мазкур фаолиятни ривожлантириш интегратив мазмундаги ўқув фанларини таълим амалиётида қўллаш тақозо қилади. Лойихалаш фаолиятига ўқувчини жалб қилиш ва мунтазам тарзда бу фаолиятни ривожлантириш учун ўқув жараёнининг бир тарзда монотон характерда амалга оширилишига йўл қуимаслик лозим.

Ўқувчиларнинг амалий, ижодий, мустақил ишлари имкон қадар индивидуал бўлиши учун шароит яратиш талаб этилади. Бунда иш турларини мунтазам ўзгартириб туриш учун қулай вазият вужудга келтирилади. Ўқувчи фаолиятининг ҳар хил турларини уйғунлаштириш зарурияти ҳамда барча фаолият турларининг мувофиқлаштирилиши уларда ранг-баранг типдаги талабларнинг қўшил бўлиши учун қулай шароитни вужудга келтиради. Шу билан бирга ўз-ўзига талабчанлик ва масъулият ҳиссини тарбиялайди.

Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг кўпқиррали фаолияти ва бир турдаги фаолиятнинг иккинчи турдаги фаолиятга ўтиб туриши жараёнида ҳар бир ўқувчида ўзининг шахсий аниқ мақсадини белгилаб олиш қобилияти ривожланади. Айни шу мақсад ўқувчи мустақил, ижодий фаолиятга киришгани сари

катъийлашиб, унинг ўзи эса тобора индивидуаллик касб эта боради. Натижада ўқувчилар ўзининг мустакил ишларига масъулият билан ёндашади ва ўзларининг ҳаракат дастурларига эга бўладилар.

Биз сўров ўтказган 9-11-синф ўқувчиларининг 780 нафаридан фақатгина 28 нафари ўзининг мустакил ҳаракат дастурига эгаллиги ҳақида айтади. Уларнинг 9 нафари 9-синф ўқувчилари, 19 нафари эса 11-синф ўқувчилари, 16 нафари кизлар, 12 нафари ўғил болалар, 17 ўқувчи аъло бахрларда, 11 ўқувчи 5 ва 4 бахрларда ўқийдиганлар. Ҳаракат дастурига эга бўлган ўқувчиларнинг 18 нафари математикага, 6 нафари она тили ва чет тилларга, 3 нафари физика, астрономияга ҳамда 1 нафари жисмоний тарбията қизиқишини таъкидлаган. Улардан 21 нафари дарсда ўрганган билим ва кўникмаларини дарсдан ташқари машғулотларда индивидуал тарзда такомиллаштириб бориши маълум бўлди.

Шундай қилиб, ўқувчининг кўпқиррали фаолияти, жумладан, ўқиш, меҳнат қилиш, индивидуал тоғанириқлар, амалш машқларни бажариш, лойихалаш ва ҳоказолар уларнинг ўқув билув жараёнида мустакил фаолият кўрсатишларининг муҳим шартидир. Бундай мустакил фаолият кўрсатиш лаёқатига эга бўлган ўқувчилар умумий ўрта таълим жараёнида кўпроқ бир хилдаги ўқишни давом эттириш ёки ўқшаш касбларни эгаллашга хоши билдирадилар.

Ўз қобилияти, иқтидори, қизиқишига кўра касб танлаш хошини билдирган ўқувчилар сўралган 780 ўқувчининг 122 нафарини ташкил қилади. Мактабни битириб, ҳуқуқшунос бўлиш истагидаги ўқувчилар 780 нафардан 537 нафар, молия ва иқтисод соҳасини танлаганлар 171 нафар, медицина соҳасини 94 нафар ўқувчи танлаш истагини билдирган. Улардан нима учун бу касбни танлаяпсан, дея сўралганда: «Ога-онамининг танишлари шу ўқанга жойлаштира олар экан», «Ўйдагилар ҳуқуқшунос бўлсанг, келажакда қийналмайсан, дейишмоқда», «Акам ўша ерда ўқиган,» имтиҳонларга ёрдам беради» деб жавоб беришган. 1 нафар ўқувчи эса «Келажакда ҳуқуқий Давлат қуришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман», яна 1 нафар ўқувчи эса «Коррушяга қарши курашмоқчиман» деган жавоб™ берган. Тиббиёт соҳасида ўқимокчи бўлганларнинг ак-

сарияти хусусий касалхона ташкил этиш иштиёқи борлигини айтган.

Кўриниб турибдики, ўқувчиларда ўзларининг келажакларини мустакил белгилаш салоҳияти етишмайди. Бунинг асосий сабаби амалдаги ўқув-билув жараёнининг монотон характерда эканлигидандир. Амалдаги ўқув-билув жараёнида ўқувчиларга асосан билим берилиб, қисман ҳосил қилинган кўникмалар машқлар ва масалалар воситасида синаб кўрилади. Шунинг учун ҳам уларда касб танлаш, ўз келажagini белгилашда мустақиллик билан бир қаторда тегишли кўникма ва малака ҳам етишмайди.

Демак, ўқув-билув жараёнини эркинлаштирган ҳолда ўқувчи шахсига йўналтириш, таълим жараёнида кўпхадли микромайдонларни ташкил этиш, ўқувчи шахсига индивидуал ёндашиш, ушшг мустакил таълим йўналишига эга бўлишига кўмаклашиш, ўқув фанларини интеграциялаш, ўқувчининг шахсий қобилиятларига дифференциал ёндашиш, унинг лойихачилик қобилиятини шакллантириб, ривожлантириб бориш орқалигина мустакил фаолият кўрсатишларига эришиш мумкин.

Замонавий бошланғич таълим учун иетикболли, устувор йўналишлардан бири, бу шахсни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш асосида ривожлантиришдан иборатдир, яъни ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилган таълим жараёнидир.

Бугунги кунда ўзида таълим ва тарбия элементларини муҳассамлаштирган бошланғич таълим мазмунини белгилаш долзарб вазифалардан биридир. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва уларда миллий ҳамда умуминсоний тарбия элементларини сингдириш йўли амалий жиҳатдан татбиқ қилиниши лозим. Бу ўринда, миллий ахлоқ тарбияси, маънавий-руҳий ҳамда миллий нафосат ва жисмоний тарбия бошланғич таълим босқичида устувор аҳамият касб этиши лозим. Бунда ўқув материали шаклида берилган таълимий матнларда ўқувчиларда турли шаклда ахлоқий-маънавий тарбия ва миллий нафосат меъёрлари, диний қамда умуминсоний кадриятларни сингдириш назарда тутилади.

Бола ривожлашнинг муайян даври учун хос бўлган психологик асосларга таянган ҳолда, уларда ҳосил бўлган кўник-

ма ва малакаларнинг сифати бахрланади. Худди игу тарзда билиш фаолиятининг турли шакллари ҳам таълим-тарбиявий жиҳатдан бахрланиши лозим. Ўқувчиларга турли ҳолатлар ва билиш шакллариининг моҳиятини англаш ҳолда ўргатиш жараёни ўқувчининг муайян ёшига хос тараққиёт даражаси - га нисбатан вербал ҳамда новербал характер касб этиши мумкин.

Мактаб таълими, асосан, боланинг тафаккурига асосланган ҳолда иш кўриши лозим. Бунда образли тафаккур мантикий тафаккурнинг бир қадар паст ва оддий шакли эканлигини назардан четда қолдирмаслик керак.

Шу билан бир қаторда, образли тафаккур кичик мактаб ёшидаги болалар тафаккурининг асосий шаклидир. Шунинг учун ҳам образли тафаккур бошланғич синф ўқувчиларига чизмалар, моделлар, атроф-муҳитдаги турли жисмлар ёрдамида билимларни пухта ўзлаштириш имконини беради. Шу асосга кўра, бошланғич таълим мазмунида болаларнинг тасаввурини ўстиришга қаратилган, муайян «мақсадга йўналтирилган таълим соҳалари ва цикллари ажратилиши лозим.

Бошланғич таълим жараёнида она тили ва математика таълимининг аҳамияти бекиёсдир. Бу таълим жараёни ўқув предметларини ўқитиш самарадорлиги ва сифатини белгилайди. Амалдаги бошланғич таълим мисолида бу қоида ўзининг тўла татбиқини топгандек кўринади. Чунки амалдаги ўқув режасида она тили ва математика учун катта миқдорда ўқув соати ажратилган, лекин таълимнинг самарадорлик даражаси фанат ўқув соатларининг миқдорига боғлиқ эмаслигини педагогик тажриба яққол курсатади турибди. Масалан иш асл моҳияти ўқувчига она тили бойликлари ва имкониятларини қайси таълим модели воситасида, қайси усуллар ёрдамида сингдириш лозимлигини аниқлаш билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда, ўқувчиларнинг мантикий ҳамда математик тафаккурининг ривожлантирилиши, математик тил маданиятини оширишнинг мақрад, мазмун ва воситалари, методлари ҳам аниқланиши лозим.

Ривожлалиб боровчи таълим қонуниятларига асосланган ҳолда бошланғич синф она тили ўқув курсининг мазмунини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги асосга таянган ҳолда

бир томондан она тили ва математика таълими умумий, миллий-маънавий ахлоқ ҳамда нафосат меъёрлари, умуминсоний ҳамда миллий кадрларни сингдириш, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлиги, нутқий, мантикий, шунингдек, математик тафаккури, математик тил ҳамда муомала маданиятини ривожлантиришга хизмат қилишини таъминлаш кўзда тутилади. Бозор муносабатлари ривожланаётган бир шароитда бундай малакаларни шакллантириш устувор аҳрмият касб этади. Она тили ва математика таълимини янгилашган мазмун асосида ташкил этиш натижасида нутқ ҳамда саводхонликка оид кўникма ва мал акал ар ўқувчининг мантикий тафаккури, математик хрсоблаш тафаккури ҳамда математик тил маданияти сезиларли даражада ривожланади.

Бошланғич таълимнинг миллий кадрлар тайёрлаш тизимида устувор аҳамият касб этиши тамоман янги характердаги ўқув предметларини яратиш имконини беради. Бу типдаги ўқув предметлари таълимни, шу жумладан, бошланғич таълимни умуминсонийлик қамда инсонпарварлик принциплари асосида ташкил этиш сари кенг йўл очади. Бунинг учун таълимда ўзини оқламаган сиёсийлаштиришдек ёндашувлар, эскириб қолган тафаккур шакллари (динамик стереотиплар), унитар характердаги ёндашувлардан тамоман воз кечиш лозим. Чунки узок, йиллар давомида амал қилган бундай ёндашув натижасида ўқувчиларда объектив оламга ишончсизлик, икки томонлама (аросат) маънавият вужудга келди.

Таълим мазмунини танлашга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири таълим жараёнида шахс тарбияси мақсадлари билан боғлиқ тарзда аклий, ахлокий, **линий**, нафосат, жисмоний таълим элементлари ҳар бир **ўқув** предмета доирасида берилди.

Шунинг учун **ўқув** дастурларининг мазмунида ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантириш **ва** ривожлантириш билан бир қаторда кичик мактаб ёшидаги болаларни мужассам ривожлантиришга асос буладишн **тарбия** элементлари узифодасини топмоғи лозим. Бу **ўринда миллий тарбия** асослари шаклланаётган ҳар бир фаолиятни!и таркибий қисмига айланиши назарда тутилади. Бошланғич таълим жараёнига худди

шундай ёндашувгина ўқув режасида мустақамланиб қолган предметли таълимнинг унитар (якка) тузилишидан хал ос бўлиш имконини беради. Бу эса, янгича йўналишдаги интеграл таълим мазмунини аниқлаш учун қулай имконият яратади.

Бошланғич таълимнинг интеграл характердаги мазмуни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, билиш имкониятларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олган долда аниқланиши керак. Шунта кўра, интеграциянинг турли даражаларини назарда тутиш мумкин. Бунда ўқув предметлари орасида мавжуд бўлган умумийликка асосланилади. Чунончи, она тили, ўқиш, нутқ ўстириш бир томондан, бошқа томондан эса, предметлар орасидаги алоқадорлик асосида она тили ва атроф-олам дамда меднат умумлаштирилади.

Интеграция кўламини таълим мазмунининг мақсади билан боғлиқ тарзда чуқурлаштириш дамда ривожлантириш мумкин. Масалан, она тили, ўқиш, атрофимиздаги олам каби ўқув предметларининг мазмунида миллий ахлоқ, нафосат - муомала маданияти элементларини мўжассамлапгарган долда кенг маънодаги «Саводхонлик» курсини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда кўпқиррали коммуникатив малакалар досил қилинади. Мазкур курс кенг қамровли бўлиб, бошланғич таълим мазмунини ўқувчи шахсини ривожлантириш имкониятига эга бўлган таълим-тарбиявий элементлари билан бойитиш имконини беради.

Таълим жараёнида она тили ва математика учун хос бўлган интеграл кўникма ва малакалар дам досил қилинади. Бу муомала маданиятининг таркибий қисми бўлган математик тил ва мулоқот маданиятига оид малакалардир. Шу билан бир каторда, она тили ва математика таълими жараёнида фойдаланиладитан дарё материаллари орқали Ўзбекистан тарихи, узбек давлатчилигининг шаклланиш даври, миллат даётидаги улў саналар дақида маълумотлар бериледи.

Ўқувчиларнинг атрофимиздаги олам дақидага тушунча ва тасаввурларига таянган долда кенг қамровли ўқув материалларини бериш кўзда тутилади. Бу материалларда узбек мифологияси асосий ўрин эгаллаши лозим. Шу билан бир каторда, болалар таълим жараёнида узбек халқининг буюк ўтмиши, миллий ривожланиш босқичлари, ўлканин маданияти, тарихий обидалари, халқ меднати, дунармандчилиги, миллий турмуш

тарзи, ўлка географияси, табиати дақидаги бошланрич маълумотлар билан дам дарё материаллари орқали танишишлари кўзда тутилади.

Бошланрич таълим мазмуни — биринчи навбатда, билиш жараёнининг яхлит ва мақсадга йўналтирил ган л и ги билан таъминлаюшш керак. Бошланғич таълим босқичида ўқувчиларни дар томонлама ривожлантириш, уларда миллий нафосатга тарбиялашда эстетик циклдаги ўқув предметлари (музыка, бадий меднат ва тасвирий санъат) алодида адамият касб этади. Болани санъат оламига олиб кириш натижасида уларда бир кагор рудий имкониятлар таркиб топади. Бундай рудий имкониятлардан бири — фараз кила олиш имкониятидир. Чунки болада фараз кила олиш кўникмаси шакланмас экан, унда ижодий тафаккур ва юсак даражадаги ахлоқий сифатларнинг таркиб топиши дақида ўйлаш мумкин эмас.

Шу билан бир каторда, фараз кила олиш куникмаси инсон фаолиятининг барча содаларида муваффақиятни таъминлайди. Фараз кила олиш куникмаси бошқа фаолият турларига нисбатан санъат содаларида жадал ривожланади.

Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, 5-9-синф ўқувчилари дуч келадиган кўпгина қийинчиликлар уларда фараз кила олиш кўникмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли вужудга келади.

Бошланғич таълим мазмунида болаларга нафосат меъёрларини сингдириш ўқувчиларнинг гўзалликка бўлган муносабат ва интилишини шакллантиради. Бу эса, миллий онгни ривожлантиришнинг асосий омилидир. Шу жидатдан мактаб таълимида санъат асарларини ўргатишга асосланган ўқув предметлари: тасвирий санъат ва бадий меднат, музыка дамда жисмоний тарбия асосий ўрин эгаллайди.

Болаларнинг фараз қилиш фаолиятини жадал ривожлантириш учун улар билан кўпроқ табнат қўйнида машғулотлар ўтказиш режалаштирилади. Ўлка тарихи, маданий ёдгорликлари билан яқиндан таништириш мақсади кўзда тутилади. Болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, мантикий тафаккурини ривожлантириш мақсадида биринчи синфларда дафтада бир марта сайр-саёдат машғулотларини уюштириш керак.

2-БОБ. Таълимнинг истикболдаги мазмунини прогноз қилишнинг дидактик асослари

2.1. Таълимнинг истикболдаги мазмунини белгилашнинг дидактик омиллари

Таълим бугунги кунда ўқувчининг ҳам индивидуал, ҳам умумий тараққиётини таъминловчи жараён сифатида намоён бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мазкур жараён турли ёшдаги ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш динамикаси, ўқув-билув жараёнида ўқувчи шахсининг фаолияти, таълим олиши ва ривожланишининг ўзаро алоқадорлигини таъминлашга ёрдам бермоғи лозим. Қайсики, бу хрлат ривожлантирувчи таълим ғоясида ўз аксини топмоқда.

Ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига йуналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ўта муҳим масалалардан биридир. Бунда билиш жараёнишг ўзи ўқувчини кузатиш, унинг фаолиятини ташкил этишга йўналтирилмоғи зарур.

Шунингдек, хрзирги замой гуманитар йўналишдаги психологиянинг ғояси ўқувчи шахс и га йуналтирилган таълим жараёнини ташкил этишдан иборатдир. Бунинг учун ўз-ўзики ривожлантириш майдонини вужудга келтиришга бўлган эҳтиёж таркиб топмоғи зарур. Ўқувчининг ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган қулай шарт-шароит ва имкониятнинг намоён бўлиши йўлида «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» қабул қилиниши муҳим кадам хисобланади.

Шахснинг ўзига хос яхлитлигини таркиб топтиришда ўқув-билув жараёни муҳим омилдир. Бу жараён илмий-методик ҳамда моддий-техник жиҳатдан тўла таъминлангандагина самарали натижалар беради. Ўқувчида билиш эҳтиёжишг пайдо бўлиш мотивлари хкм мана шу шарт-шароит натижасида вужудга келади. Буларнинг барчаси ўқувчи шахси ривожланишининг психологик, педагогик, дидактик йўналишларини белгилайди.

Шахс тараққиётини таъминловчи таълим жараёнини ташкил этиш ғояси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асоси-

ни ифодалайди. Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг ўзига хослигини, педагогик қўллаб-қувватлаш чораларини ривожлантириш муаммосининг ечимларини излаш бугунги кунда ўта муҳимдир.

Ўқувчи шахсини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш унинг жисмоний ҳамда рухий саломатлигини муҳрфаза қилиш ва мустаҳкамлаш ҳар бир боланинг ўзига хослигини сақлаб қрлиш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш унинг тараққиёт даражасига муайян талаблар қўйиш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда унта риоя қилиш муҳимдир. Барча ўқув фанларидан таълим мазмунини гуманитарлаштириш билан боғлиқ бўлган талабларни белгилаб олишни тақозо қилади.

Таълимнинг вариативлиги ҳамда ўқувчи шахсига умуминсоний маданиятни сингдириш га йўналтирилиш ига эришиш ҳам дидактикада муҳим ах.амиятга эга бўлган масалалардан биридир. Муайян ўқув предмета воситасида дунёнинг яхлит тарздаги манзарасини ифодалаш талабига ҳам таълим мазмунини белгилаш, дарсликлар яратишда риоя қилиш талаб эталади.

Асосий ғоялар ва дидактик принциплар инсонпарварликка интилиш педагогик-психологик маълумотларга асосланган \олда барча ўқувчилар таълим олиш жараёнида билим олиш лаёқатига эга эканликларининг қай даражадалигини аниқлаш лозим. Шундагина улар учун етарли педагогик, дидактик, моддий-техник шарт-шароитларни мақсадга мувофиқ тарзда яратиш мумкин. Бу эса, улар билим даражасининг юқори бўлишининг асосий омилдир.

Ҳар бир синф учун яратиладиган дарсликларда ўқувчи шахсининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар аниқ хисобга олиниши керак. Бизда бугун мактабга келган 6 ҳамда 7 ёшли ўқувчиларнинг барчаси ёппасига биринчи синфлар учун ёзилган дарсликлардан фойдаланмоқда. Бу дидактик ҳамда психологик жиҳатдан нотўғри ёндашувдир. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, билимларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. 6 ёшли бола билан 7 ёшли ўқувчининг имкониятлари бирдай тент эмаслигини педагогика фани аллақачон исботлаб берган.

Хар бир ёш даврида ўзига хос ўқув юкмасини тақдим қиладиган ўқув-методик мажмуалар зарурлигини даврнинг ўзи

такрзо килмокда. Бу ўқув жараёни муваффақиятли кечишининг муҳим шартларидан бири ҳамдир. Чунки боланинг ёши, унинг тажрибасини тавсифловчи бош омилдир. Були ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини яратишга киришганда ҳар бир мутахассис англаб етиши лозим.

Дарслик муаллифлари ўқувчининг ижтимоий тажрибасини ҳисобга олиш деганда фақат турли-туман манбалар, компьютерлар, истироҳат боғлари, маданият ўчоқларига қилинадиган сайру саёҳат ва бошқалар воситасида ҳар дақиқада бойиб бораётган шаҳардаги ўқувчининг ижтимоий тажрибасини эмас, балки шаҳар ҳяётидан, кинотеатр, истироҳат боғларидан узоқда компьютер кириб бормаган қишлоқ ва овул болаларининг ижтимоий тажрибасини бойитишни ҳам назарда тутган ҳрда дарсликларни яратишга эришишлари лозим.

Қайсики, бундай укувчилар учун дарслик асосий, уларни ривожлантирувчи манба булиши керак. Бундан таншари, шшс қюшюқ ва овулларда яшаётган укувчилар аниқ, хис этишлари керакки, дарсликда уларни ўраб турган муҳит ҳам ҳисобга олинган. Ушбу дарслик айнан уларга йуналтирилган.

Демак, ўқув фанлари буиича яратиладиган дарсликларнинг авлодида ривожланган шаҳар ҳаёти билан табиий тарздаги олис қишлоқ ва овуллар ҳаёти уйғун тарзда ифодаланиши талаб этилади. Ушбу масканларнинг ҳар иккаласи — шаҳар ва қишлоқларда яшаётган ўқувчи шахсининг ижтимоий тажрибаси, дарслик ва ўқув-методик манбаларда баб-баробар ҳисобга олиниши лозим. Шунга кўра ҳар бир дарсликда ҳудудий материалларга алоҳида ўрин ажратиш талаб этилади.

Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳрда уларни педагогик қўллаб-қувватлаш, қобилият ва иқтидорларини рўёбга чиқариш, муайян шароитга мослашувчанлигини қарор топтиришга йуналтирилган махсус ўқув фаолиятида ўқувчининг самарали ривожланишини таъминлаш муҳимдир. Янги шароитда самарали ривожланиш деганда, биз ўқувчининг ўзига хослигини педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг ривожлашшш, бошқа янгича бир ўқув моделининг таъсир қилишини кўзда тутамиз. Агар ўқувчига таълим бериш ва ривожлантириш муаммоси уйғунлаштирилса, унинг

ўзига хослигини педагогик қўллаб қувватлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Дидактик ва психологик талабларни ҳисобга олган ҳолда муайян ўқув предмети доирасида махсус ташкил этилган индивидуал ва алоҳида гуруҳ, жамоа бўлиб олиб бориладиган ишлар орқали ҳамда турлича мураккаблик даражасида бўлган тонширикларнинг қар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилган тизими, ҳар бир мавзунинг узлаштирилиши муайян педагогик шарт-шароитларни талаб қиладики, бундай шароитда таълим ривожланишга нисбатан илгарилаб боради.

Ўқувчи, одатда мустақил бажариладиган топшириғини кичик гуруҳда ўзаро ёрдам, ҳамфикрлилик натижасида тез бажаради. Кичик гуруҳ учун мураккаблик қиладиган машқ, масалаларни укувчилар жамоа бўлиб осон ва сифатли бажаришлари мумкин.

Савол ва тонширикларнинг дифференциаллик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда бир мавзу бўйича белгилаб бериладиган топшириклар, уларнинг сифати ҳар бир ўқувчининг ў; «лишни намоён қилиш ни талаб қилади. Шу билан бир каторда бундай топширикларни бажаршн жараёнида ўқувчи ўзининг ривожланиши, билим сифатининг даражаси ва индивидуал ҳаракатларини ҳам белгилаб олади.

Ўқувчи шахсининг ўзига хос таракқиёт жараёни қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўз билимини оширишда у ёки бу ўқув предметини ўзлаштиришга мойиллик;
- ижодий тафаккур, ақлий қрбилиятнинг таракқиёти ўқув предметига нисбатан билимдонлик;
- ақлий қобилият ҳамда ижодий тафаккурнинг ривожланиши, ҳиссиётни тарбиялаш;
- жамоа ҳаёти ва ўқув-тарбия жараёнига ижтимоий-психологик жиҳатдан мослашиш;
- уз зиммасига жавобгарликни олиш;
- мустақил қарорлар қабул қилиш ва унта мое ҳаракатларни бажаршн;
- жамоа орасида ишлашга одатланиш;
- тенгдошлари каби катталарга ҳам мурожаат қила олиш;

- танкидга тоқатли бўлиш ҳамда дадил танқид қила олиш;
- бошқаларга ёрдам кўрсатиш;
- шахсий фикрини асослаш ва исботлаш;
- жисмоний маданият элементларини намоён қила олиш;
- соғлом турмуш тарзининг қимматли аҳамиятини англаб етиш;
- алкоголь ва наркотиклар зарарини тушуниб етиш, эстетик дидга эга бўлиш;
- атрскр-мухитнинг **Ўзгаллигини** хис этиш;
- табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини намоён қила олиш, таҳлил қилиш, фарқлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқаларнинг фикрларини хурматлаш;
- жамият аъзолари билан мулоқот қилиш маданиятига эга бўлиш.

Бу кўникмаларнинг киммати ва зарурлигини англаш ўқувчиларнинг онгида дунёнинг илмий манзарасини яхлит тарзда гавдалантириш - бу манзарани унинг учун қулай бўлган материаллар орқали етказиш лозимлигини тасдиқлайди. Бу ўқув материаллари турли таълим соҳаларининг мазмуни орқали етказилади. Чунончи: она тили, адабиёт, математика, миллий истиклол тояси ва маънавият асослари, табиат, жамиятшунослик ва ҳоказо. Ҳар бир ўқув предметининг мазмунида дунёнинг илмий манзараси ўзига хос интеграциялашган тарзда ифодаланиши лозим.

Бугунги кунда таълим мазмунини танлашда ҳар бир ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларига таянган ҳолда унинг ўзига хослигини таъминлашдан иборат. Бунда ўқувчишг ўзига хос имконият ва қобилият даражаси алоҳида ҳисобга олиниши керак. Ҳар бир болани узлуксиз ривожлантириш тамойили ўқув материалларини интеграциялаш, интеграллашган ўқув материалларини қамраб олган дарсликлар яратишни тақозо қилади.

Такдим этиладиган билимларнинг мустаҳкамлиги, ўқувчининг умумий ривожланиши дастлаб сенсор эталон таърига асосланади. Шунинг учун ўқув материаллари таркибида турли ранглар, рамзлар, уларнинг маъноси, ҳажми билан таништири-

лада. Бушг натижасида ўқувчида кузатувчанлик фаолияти таркиб топала. Чунки кузатувчанлик шахс фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қилади. *Бу эса, ўз навбатида, фикрлаш фаолиятини ривожлантиради. Мустақил фикрлаш натижасида эса ўқувчи қиёслаш, қарама-қарши қўя олиш, гурухлаш кўникма ва малакаларини эгаллаб боради. Бу, ўз навбатида, лингвистик, коммуникатив ҳамда математик ҳисоблаш, мулоқот қилиш кўникмаларини эгаллаш учун муҳимдир.

Ўқувчининг умумий ривожланиш даражаси ҳиссиётлар, ахлоқ, онг, қобилият, ҳамдардлик, хис эга олиш, коммуникативлик кўникмаларининг шаклланиши, ижод қилишга интилиш қабиларни таркиб топтиришга асос бўлади. Бир вақтнинг ўзида эстетик тараққиётни ҳам таъминлайди. Ўзгалликни хис этиш қобилиятини шакллантиради. Бадаий асарларда ўзини ўраб турган моддий борлиқнинг акс этаётганлигини англаш, нафосат ҳисси ва юморга мойилликни таркиб топтиради. Ўз жисмининг имкониятларини рўёбга чиқариш ва такомиллаштириб боришга интилишни вужудга келтиради. Ўқув материаллари ўқувчини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш га йўналтирилмоғи лозим. Ҳар бир ўқувчига ўзининг мустақил таълим олиш йўлини танлаши учун имконият ва рағбатни шакллантириш керак. Ўқувчининг муҳим ривожланган даражаси билан мое равишда ўқув материаллари баён қилинмоғи лозим.

Аниқ белгилаб олинган ҳаракат дастурига асосланган ҳолда ҳар бир ўқувчини узлуксиз ривожлантириш тамойилини амалга ошириш талаб этилади.

Ҳар бир дарёда мунтазам уйғун кўникмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу кўникмаларнинг бир қисми малакага айлангунга қадар ўқув-билув жараёнини кўп тармоқли микромайдонлар билан кенгайтириб бориш керак бўлади, Уларнинг бир қисми мустақил ишлар, бошқа бир қисми ахборот манбалари ёрдамида хоейл бўлади. Бошқа бир томондан, дарслик ҳамкорликда кичик ёки катта гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ўқув фаолиятини ташкил этувчи асосий манба сифатида намоён бўлмоқда.

Биз мустақил ишлаш деганда, ўқувчининг ёлғиз назоратсиз фаолиятини тушунмаслигимиз керак. Балки ўз-ўзининг били-

мини оширишни амгламоқ лозим. Ўқувчи ўзини дизидтирадиган, ечишта кучи етадиган топшириқларни айнан ўзи танлай олиши талаб этилади. Бунда ўқувчининг ходиши ва билим сифатини дисобга олиш мудимдир.

Ўқувчилар ҳар бир топширикни унта ижодий ёндашган ҳолда мустақил бажаришларига эришиш дидактик мадсад бўлмоғи керак. Мустақил ўқув фаолияти жараёнида, шунингдек, гуруҳ бўлиб ишлаш шароитида бу мақсадга эришиш керак. Келгусида ўқишни давом эттириш ва мустақил даётга кадам дўйиш учун зарур бўлган билимларни танлаш, онгли узлаштириш иктидорига дар бир ўқувчи эга бўлиши керак.

Кичик ёшдаги ўқувчиларни дар томонлама ривожлантириш учун дарсликда максимал имкониятлар яратилиши шарт, яъни ўқувчи ўзининг ёш даражаси қабул қилиш имкониятини берадиган ахборотларни, асосан дарсликдан олиши лозим бўлади. Ҳар бир ўқувчини узлуксиз ривожлантириш юяси муайян дарсда унда досил бўлган кўникмаларни мунтазам қўллаб-қувватлашни англатади. Бу кўникмаларнинг бир қиеми турли ахборот манбалари билан ишлаш натижасида досил бўлса, бошда бир дисми хрестоматиялар, луғатлар, бадий асарлар, интернет сайтлари кабилар билан ишлаш натижасида вужудга келади.

Ҳамкорликда ишлаш натижасида досил бўладиган кўникмалар ўз характериға кўра мустаҳкам бўлади. Улар кичик ҳамда катта ўқув гурудларида вужудга келади. Ўқувчилар ўзлаштирилган билимлардан нестандарт, даётий вазиятларда модирлик билан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Шахе ривожланишининг турли даражаларини дисобга олган долда ўқув-билув жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда турли типдаги дийинчиликларни бартараф этиш йўллари назарда тутилади.

Давлат таълим стандарти талаблари асосида тузилган дастур материалларини ўзлаштиришда дар бир ўқувчига ёрдам ниҳоятда зарурдир. Чунки бундай ёрдамсиз стандарт талабларини ўқувчи тўлид ўзлаштира олмайди. Бу ёрдам айнан укув-билув жараёнида турли-туман микромайдонларни ташкил этиш шароитида амалга оширилиши керак. Худди шундай бир ша-

роит яратилган такдирда дар бир ўқувчи ДТСда кўрсатилган таълим мазмуни негизини ташкил қилган дамда ўқув дастурига кирган ўқув материалларини узлаштириш имкониятига эга бўлади. Бу тадбир таълимнинг турли босқичларида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари сифатида ўқитувчи дамда удувчилар томонидан амалга оширилади.

Узлуксиз таълим жараёнида билим, кўникма ва малакалар ўқувчиларни ривожлантиришнинг мақсади эмас, балки воситаси сифатида қаралишита эришиш лозим. ДТСда кўзда тутилган таълим мазмунини узлаштириш натижаси мустаҳкам билим, кўникма ва малакалар сифатида намоён бўлиши керак.

Шу билан бир каторда кўпвариантли ўқув материалларини ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини дисобга олган долда такдим этишни дам назарда тутиш лозим. Бундай тадбирни амалга ошириш мудим дидактик димматга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ДТСда кўзда тутилган таълим мазмунини барча ўқувчилар кўникма даражасида эгаллашлари шарт. Шундан кейингина ўқувчининг индивидуал имконияти ва хоҳишини ҳисобга олган \олда бир кадар мураккаброк ўқув материалларини такдим этиш лозим. Бундай ўқув материаллари, муқобил ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув адабиётларида ўз аксини топмоғи лозим. Бунда ўқувчининг билим сифати ва муайян фаяни ўқитишга қўйиладиган талаблар ҳам бир кадар оширилади.

Таълим мазмунини интеграллашнинг муқим шартларидан бири, авваламбор, таълим мазмунита сингдирилган барча тунчаларни табиий-илмий ҳамда ижтимоий-гуманитар содага оид билимлар сифатида такдим этишдан иборатдир.

Интеграллашган 5дув курелари ўқувчиларда дунёнинг яхлитлиги ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади. Табиийки, бир қатор ўдув фанларини интеграциялашга бугунги кунда куч л и зхтаёж сезилмодда.

Ҳар бир ўқув предметининг мазмуни нафадат муайян ўқув дастурида кўзда тутилган мавзуларни, балки моддий борлид ҳодисаларини ҳам ўзида мужассамлаштирган долда ифодалайди. Математик дамда тил, мулодот донуниятларининг

ифодалашпнини ҳам акс эттиради. Бу манзараларни ўқувчи англаб олишини таъминлашга эршиш муҳим аҳамиятга эга. Жонли ва жонсиз табиатнинг алоқадорлиги табиат билан кишилик жамияти маданиятининг мутаносиблиги манзараси ўқув предметлари мазмунида ўз аксини топмоғи керак.

Амалий ижод техникаси ҳамда технологиясининг ифодаланиши фан-техника ривожланаётган бизнинг асримизда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчининг умумий ривожланиши учун дидактик жиҳатдан қулайлик яратиш керак. Бунинг учун ўқув-билув жараёнида, авваламбор, психологик қулайлик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, ўқув-билув жараёнида ўқувчининг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай педагогик шарт-шароит вужудга келишига имкон беради.

Турли-туман ўқув ҳамда коммуникатив кўникма ва малакаларнинг шаклланиши таълим жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Ўқувчиларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Ўқув жараёнининг барча қулайликлар асосида ташкил этилиши натижасида ўқувчида руҳий ишонч қарор топади. Бу эса, ўқув-билув фаолиятини жадаллаштиради. Ўқув фаолияти дата бундай қулайлик ҳар бир ўқувчи ДТСда кўзда тутилган таълим мазмунининг асосий негизини тўлиқ ўзлаштириши учун имконият яратади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалларини пухта ўзлаштиришлари, билимларининг муетаҳкам бўлиши учун қулай педагогик муҳитни вужудга келтиради.

Ўқув фанлари интеграцияси ўзининг образлилиги билан ажралиб туради. Интеграл характердаги ўқув курслари сунъийлик характерига эгадир. Шунинг учун ҳам бундай курсларни ўзлаштириш ўқувчилар учун қулай ҳисобланиб, дарсликларда дунёнинг яхлит манзарасини ифодалаш учун қулайлик туғдиради. Ўқувчиларга барқарорлик ҳамда қонунларни англаш ҳиссини бағишлайди. Дунёшг манзарасини уйғунлаштириш, ҳар бир ўқув жараёнида умумлашган ўқув предметларга хос бўлган вазифалар ҳал қилинади. Интеграл ўқув курслари ўқувчиларда ишонч ҳиссини қарор топтиради. Ўқув жараёнининг муваффақияти ҳамда билимларнинг юқори сифати таъ-

минланади. Дарсликларда психологик қулайликларнинг ўзига хос қирралари сингдирилади. Иллюстратив материаллар уйғунлаштирилади. Ўқувчи фаолиятини самарали ташкил қилишга йуналтирилган ўқув материаллари тақдим этилади.

Қайсики, бу материаллар қулай ўқув фаолиятини ташкил қилишга хизмат қилади. Тақдим этиладиган ўқув материалларининг интерфаол методлар, техник воситалар билан уйғунлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир ўқувчининг узлуксиз ривожланиши ўқув ҳамда коммуникатив ҳаракатларнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқдир. Бир томондан, ўқув материалининг берилиши, дарсликдан зарур ўқув материални излаш, дарсликка киритилган турли рукнлар у стада ишлаш ҳамда бошқа қўлланмалар билан таништириш, ўқув материални пухта ўзлаштириш билимлар мустаҳкамлигининг кафолати ҳисобланади. Иккинчи томондан, моддий борликни яхлит идрок этиш орқали дунёқараши ривожланади. Бунинг учун ўқувчида китоб билан ишлаш кўникмаси шаклланиши лозим. Шундагина уларнинг эгаллаган билимлари мустаҳкам ва сифатли бўлади.

Дарсликда, биринчи навбатда, ўқувчи яшаётган муҳит акс этиши керак. Чунончи, математика дарсликлариде бу муҳит сенсор эталонлар, «Ўқиш» ва она тили китобларида эса қадимги дунё эртақлар олами қабилар мисолида акс этади. Буларнинг барчаси ўқувчининг билим сифатани кўтаришга имкон беради.

2.2. Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш омиллари ва принциплари

Ўқув-билув жараёнини ислоҳ қилишнинг муҳим шартларидан яна бири, ўқитувчининг касб маҳс-рати, билимдонлик даражаси ва маданий савиясини давр талаблари даражасида юксалтиришдан иборатдир. Зеро, шахсга йуналтирилган таълим жараёни ўқитувчининг ўқув-билув жараёнининг биринчи субъекта сифатида намоён бўлишини тақозо қилмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистан Республикаси Президентининг 1997 йилда Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX сессиясида ўқитувчилар ҳақида айтган

куйидаги фикрларини келтирамиз: «Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи хукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айт **1**шум-айтган, деганим-деган».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда кипин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларга мустақил фикр юриштиш кўникмаларини хрсил қилишдан иборатлигани кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалдаги тажрибамизда унга риоя қилмаймиз»¹.

Таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг моҳиятани ўқитувчилар қай даражада англашлари, уларнинг билим - донлиги, ўқувчилар ҳуқуқларини зътироф этиш тажрибалари, касб маҳрратини аниқлаш мақсадида республика мактаблари ўқитувчилари орасида бир қатор анкета саволларини тарқатган эдик. Чунки таълим жараёнининг очиқ ва эркин концентр сифатида намоён бўлиши натижасидагина ўқувчи шахсининг қобиляти, қизиқишлари, касбга мойиллиги ва эҳтиёжларига яқинлашган ҳолда ўқув-билув жараёни ташкил этилади. Худди мана шу шароитда таълим эркинлашади, унинг сифати, самарадорлик даражаси ортади. Зеро, таълим жараёни педагогик-психологик қонуниятларга асосланган ҳрлда ташкил этилади.

Дарҳақиқат, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини демократи тамоийиллар асосида ташкил этмасдан туриб, ўқув-билув жараёнини янгилаш мумкин эмас. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўқув-билув жараёнига раҳбарлик қилиш, даре жараёнида ўқувчининг ҳуқуқларини хурмат билан эътироф этиш шакллари, усуллари, йўл ва методлари чуқур тадқиқ этилиши лозим. Бунда, биринчи навбатда, даре ва даредан ташқари таълим жараёнида ўқувчи-ёшларда миллий-гоявий ҳамда илмий дунёкарашни шакллантиришга қодир бўлган узбек ўқитувчиси иш фаолиятини ташкил этишнинг педагогик қонуниятлари, тамоийилларини тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқот иш-

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуши, 1997 йил 29 август. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон: 1997.332-бет.

лари кўламини кенгайтириш фурсати етди. Бир сўз билан айтганда, ўқув-билув жараёни менежерлари иш фаолиятини ташкил этиш методикасини яратишга бугунги кунда кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Бугунги кунга қадар ўқитувчилар тайёрлаш бўйича бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган бўлса-да, ўқув-билув жараёни менежерларини тайёрлаш соҳасида яхлит тарздаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган эмас. Таникли педагог В.П.Симонов «Педагогический менеджмент» асаарида ўқув-билув жараёни менежерлари фаолияти устида тўхталиб ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки:

а) ўқув-билув жараёни менежерлари ҳисобланган ўқитувчиларнинг иш фаолиятларини ташкил этишнинг илмий асослари;

б) ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларига раҳбарлик қилиш методлари;

в) ўқувчи-ёшлар ўқув-билув фаолиятига раҳбарлик қилишнинг технологияи усуллари, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг технологияси;

г) ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ва шахсий сифатларининг даражасини аниқлаш йўллари тадқиқ этиш лозим.

Педагогика фанининг муҳим тармоғи бўлган педагогик менежмент ўқув-билув жараёнининг раҳбари ва биринчи субъекта сифатида ўқитувчилар иш фаолиятини ташкил этишнинг назарий асосларини тадқиқ этишда бу соҳада жаҳрнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган тажрибалар билан бир қаторда ўзбек халқининг тарихий тажрибаларини ҳам ўрганиши, умумлаштириши маънадга мувофикдир.

Ўқув-билув жараёнида мазкур жараённинг менежери, яъни раҳбари — ўқитувчи биринчи субъект, ўқувчи эса иккинчи субъект сифатида фаолият кўрсатишини таъминлаш таълимни ислоҳ қилишнинг муҳим шартадир.

Ваҳоланки, бугунги кунга қадар умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчи қамда ўқувчининг баб-баробар ўқув-билув жараёнининг субъектлари сифатида ижодий фаолият кўрсатишлари учун етарли замин, педагогик шарт-шароитлар ҳам тайёр эмаслиги ни алоҳида таъкидлаш керак.

1. Синфда ўқувчишиг мустақил фаолият кўрсатиши учун дарсликда берилган матн, машқ, масалалардан бошқа муқобил ўқув материаллари йўқ.

2. Берилган даре материалларининг аксарияти репродуктив ва фронтал характерга эга бўлиб, асосан ўта яхши ёки ўта паст даражада узлаштириш имкониятига эга булган ўқувчиларшиг эҳтиёжларини дисобга олган долда тузилган.

Табиийки, бундай шароитда турлича узлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчиларнинг бирдай эркин ижодий фаолият кўрсатишлари учун деч кандай имконият қолмайди, ўқитувчи эса худди шундай бир шароитда қаттиққўллик билан барча ўқувчиларни итоатда саклаб туришдан манфаатдордир. Синфда хукм сурадиган итоаткорлик мудити аста-секин удувчиларда локайдлик, журъатсизликни тарбиялаб боради. Бошқа бир томондан, бугунги кунда ўқитувчи учун дам дарслик асосий манба дисобланади. Ўқитувчилар учун таълим жараёнини бошқариш, ўдвчининг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга оид ишлар йўқ даражада, мавжуд илмий-методик қўлланмалар дам мактаб кутубхоналарига етиб борманган.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш тизимининг фаолияти эса нидоятда бўш ташкил этилган. Чунончи, 80 фоиз аёллардан иборат бўлган ўзбек ўқитувчиларининг малакаси, асосан марказлашган тарзда оширилади. Табиийки, уйи, бола-чақасидан узоклашган ўқитувчилар асосан қандай қилиб бўлмасин муддатни кискартириб, ўз уйига қайтиш фикрида бўлади, Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакаси мактаб ўқитувчисини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун етарлими, деган дакли бир савол туғилади. Афсуски, бу саволга дам ижобий жавоб топиш қийин. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ўқитувчилари ўқувметодик, умумпедагогик адабиётлар билан тўла қуролланманлар, бу даргодларда педагогик менежмент назарияси, муайян методик, педагогик-психологик билимлар билан қуролланган малакали мутахассислар бармок билан санарли даражада.

Бугунги кунда ўқувчига бўлган муносабат педагогик таъсир объектита бўлган муносабат сифатида бадоланмай, балки ўқувчига ўқув-билув жараёнининг субъекта сифатида ёндашган долда дўстона, демократии муносабатда бўлиш талаб этилади. Бундай демократии ёндашув ўқув-билув жараёнини ташкил этиш, ўқув материалларини танлаш ва тақдим қилишда ўқувчига даре жараёнида мустақил даракат қилиши, фикрлаши, ўз қарашларини баён қилиши учун имконият яратиш дамда ўқувчиларнинг билим, қўникма, малакалари, шахей сифатларини бадолаш, касб танлашга имкон яратишда тўла намоеён бўлишига эришиш лозим. Шундай шароитдагина ўқувчи ўрганиш ва аклий ривожланиш сари борувчи субъект сифатида намоеён бўла олади.

Маълумки, фақат жадал мустақил аклий фаолиятга ундовчи ўқув-билув жараёнигина ўқувчининг ривожланишини таъшшлай олади. Ўқув материални тупгунтирмасдан туриб барча ўқувчиларга ёппасига ёдлатиш уларда эркин фикрлаш, мушодада юритиш, мулоқот қилиш фаолиятининг ривожланишига имкон бермайди. Натижада таълим жараёнининг эркинлигига путур етади. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида мажбурий итоаткорлик мудити вужудга келади. Бундай шароитда ўқитувчи таълим жараёнининг бонгқарувчиси, яъни менежери эмас, балки айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолган «докимга» айланади. Бундай долда ўқувчиларга навбатдаги даре маршрутларида тақдим қилинадиган билимлар дадик ва қурқув таъсирида уларнинг онгида қайта ишланмасдан, ижтимоий тажрибасига кирмасдан қолиб кетади. Бундай вазиятда ўқувчиларнинг ривожланиши, ижтимоий турмушда мустақил фаолият кўрсаташи учун ўта мудим бўлган билим ва тушунчалар дам уларнинг тараққиётага деч кандай таъсир кўрсатмай қрилиб кетаверади.

Маълумки, фаоллик эркин, мустақил жараёнда шахенинг эдтиёж ва интилишлари билан боғлиқ тарзда вужудга келади. Бунинг учун таълим жараёнини ислод қилиш дамда ўқитувчини ўқув-билув жараёнининг субъекта даражасига кўтариш ўта мудим вазифалардандир.

Тарихий тажрибаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бизнинг ота-боболаримиз ўз фарзандларига ўқитувчи танлашда ўта масъулият билан ёндашганлар. Чунончи, бўлажак ўқитувчининг билимдонлиги, дунёқарашининг кенглиги, нуқти, муомала маданияти, хулқи, хушчехралиги, қадду қомаги, наслу насаби, овози, нутқ манераси, кийиниш маданиятига алоҳида эътибор берганлар.

Олий ўқув юрғларида бўлажак ўқитувчиларни қабул қилишда ҳам худди шу мезонларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки қаршисида хушбичим, овози ёқимли, хушмуомала устозини кўрган ўқувчи унта тез ўрганади. Унинг хузурида ўзини эркин сезади, осонгина мулоқотга киришади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги замон ўқитувчисининг иш фаолиятини илмий асосда демократии принципларга таянган ҳолда ташкил этгандагина, таълим жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган талаблар асосида ташкил этишга эришилади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: «Шахс — таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи», дея ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти алоҳида-алоҳида кўрсатиб берилган. Бу, ўз навбатида, таълимни ўқувчи ва ўқитувчи шахсига йўналтириш, ўқувчининг эҳтиёжларига ўқув жараёнини бўйсундиришни ифодалайди. Чунончи, ўқув-билув жараёнини инсонпарварлаштириш принципи асосида ташкил этиш натижасида ўқувчиларда инсонга ва моддий дунёга нисбатан янгича нуқтаи назар шаклланади. Таълимда узок, йиллар давомида устувор бўлиб келган коммунистик тоявийликни тарбиялаш, совет ватанпарварлигини таркиб топтириш принциплари ўрнини том маънодаги инсонпарварлик, шахс омилига эътибор, унинг ҳуқуқлари ва имкониятларига ҳурмат назари билан қараш қабилар эгаллайди. Худди мана шунинг ўзиёқ таълимда инсон омилига қанчалик катта эътибор бериш лозимлигидан далолатдир.

Ўқув-билув жараёни инсонга, ўқувчи шахсига ҳурмат, унинг қучи ва қобилиятига ишонч, аждодларимизнинг маданий-маънавий меросига қизиқиш, ўзаро муҳаббат, ҳурмат, уюшқоқлик асосида ташкил этилмоғи лозим. Ўқитиш жараёнини амалда

ўқувчи ва ўқитувчи шахсига йўналтириш учун устоз ва шоғирд орасидаги ётсираш, ҳадик, қўрқув ўрнини ўзаро самимий мулоқот, ҳурмат эгалламоғи зарур. Шундагина ўқувчида ўз қучи, билимига ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ишонч эса уни, ўз навбатида, олға ҳаракат қилишга ундайди.

Одий бир мисол, айниқса, кичик мактаб ёшидаги болалар, чунончи, 1-2-синф ўқувчилари паст баҳр олишдан жуда ҳам чўчийдилар. Бу ҳолат ўз вақтида педагогик-психологик жиҳатдан жуда тўғри баҳоланган ҳолда 1-2-синф ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини математик ифодалар билан баҳрламаслик лозимлиги гоёси бошланғич таълим концепциясида илгари сурилган¹. Лекин биз ўз қузатишларимиз давомида аксарият мактабларда ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари «икки», «уч» ва ҳоказо тарзда баҳоланаётганлигининг шохиди бўлди.

Бундай баҳолаш натижасида энди мактаб ҳаётига мослашаётган ўқувчида журъатсизлик, қўрқин ҳолатлари пайдо бўлади. Ўқувчини паст баҳо- билан чўчитиш, уни қўрқувга солиш, бизнингча, энг нодемократик усул бўлиб, бундай усул орқали аксарият болаларда қўрқув ҳисси қучайса, иккинчи бир тоифа ўқувчиларда бефарқлик, лоқайдлик, ўқишдан беизиш қайфиятлари пайдо бўлади. Ахир «Болани урсанг, эти қотади», деган нақл ҳам бекорга айтилмаган.

Куйи синф ўқувчиларига паст баҳо қўйиш ўрнига уларнинг руҳияти, саломатлигига салбий таъсир қўрсатмайдиган атрибутлар тўпламини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан: аъло баҳо олган ўқувчига қувонч билан унга бағрини очаетган она сиймосининг тасвири ёки бошига Хумо қучи қунган бола сурати туширилган рамзлар тақдим қилиш лозим, деб ўйлаймиз.

Ўқувчи даре жараёнида ўқитувчи билан дўстона мулоқотга кириша олгандагина ўзи билмаган нарсаларини ҳадиксирамасдан сўрай олади. Бир сўз билан айтганда, ўқиш жараёнида ўзини шахс сифатида намоён қила бошлайди. Худди мана шу вазиятда ўқувчининг кўз ўнгида кишилиқ дунёсининг яхлит

¹ Абдуллаева Қ., Сафарова Р., Бикбоева Н. Бошланғич таълим концепцияси // Бошланғич таълим. 6-сон. 2-9-бетлар.

манзараси шаклланади. Ўқувчи яхши ўқиш учун ўзининг барча имкониятларини сафарбар қила бошлайди. Таълим жараёнида ўқувчида барқарорлашиб борадиган бундай сафарбарлик натижасида истикболда шахс фаоллашиб, жамиятнинг моддий-маънавий ҳаёти ривожланиб, юксалиб боради.

Ўқувчи ўқув-билув жараёнида ўзини рухан эркин ва хадиксиз сеза бошлайди. Рухий эркинлик эса сафарбарлик курсатшининг асосий омилидир. Уни тарбиялаш ўқитувчидан маданиятга талаб қилади. Эркин маданиятга аъзолари бўлган жамият эса ҳар қандай ижтимоий, тарихий жараён да ўзининг зарурий параметрларини барқарор ҳолда сақлаб қола олади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнини ислох қилишнинг муҳим шарт сифатида ўқувчи шахсининг рухий ҳавфсизлигини таъминлаш йўлларини аниқлаш лозим.

Ўқувчи ҳамда ўқитувчи орасидаги эркин, маданий мулоқот қанчалик, ҳаққонийлик, танқидий нукта назарни ўқувчиларда шакллантириш ва таълим жараёнини демократия тамойиллари асосида ташкил этишнинг гарови ҳамдир.

Эркин тарздаги таълим жараёнида ўқувчилар кеиғ қамровли ахборотларни айирбошлаш, муваққил интеллект майдони га эга бўлиш, ижтимоий турмуш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, мазмунли, сифатли, изчил, қизиқарли, кўптармоқли, ривожлантирувчи, интеграл ҳамда алтернатив (муқобил) ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Бу типдаги ўқув материаллари ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш билан бир қаторда ўқитувчининг малакасини ҳам оширади.

Юқори малакали ўқитувчиларнинг мақоми ва даромади эса мунтазам ортиб боради. Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро яқинлашуви натижасида ўқитувчи томонида боланинг ҳуқуқлари тан олина бошлайди. Ўз навбатида, бундай икки томонлама ҳурмат асосида ўрнатилган муносабат натижасида таълим жараёни эркинлашади, ўқувчишг ўзлаштириш даражаси юқори бўлади. Ўқувчининг билим даражаси ортиб, ҳаётини кўникмаларни эгаллаш имконияти кенгайди. Ўқувчи ҳуқуқларининг ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан тан олинishi, уларнинг

билим ва кўникмаларни пухта эгаллашларига ёрдам беради. Ўқитувчи ўқув-билув жараёнида синфдаги барча ўқувчилар (ўғил болалар ва қизлар) орасида тўлақонли ҳамкорлик, дўстона муносабат, жонли мулоқот, ҳамдардлик ўрнатилишига ёрдам бера олиши лозим.

Шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёни истикболда ижтимоий турмушнинг барчи жаҳаларида шахснинг фаоллигини таъминлайди. Таълим жараёнини инсонпарварлик принципи асосида ташкил этишда қуйидагиларни қисобга олиш зарур:

1. Таълим жараёнини ўқувчи шахсига ўз ҳуқуқларига эга бўлган субъектлар сифатида қараган ҳолда, улар учун интеллект майдони тарзида ташкил этиш;

2. Таълимни бола имкониятларини излаб топиш, ривожлантиришга йўналтириш;

3. Таълим жараёнини ўқувчининг салоҳиятини намоён қила олишига имконият яратиш асосида ташкил этиш;

4. Таълим жараёнида ўқувчининг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун фойдали бўлган соғлом муҳитни таркиб топтириш;

5. Ўқувчиларни ўқитишда уларни ҳимоялаш ва гендер (ўғил ва қиз болалар) тенглигини таъминлаш га эришиш;

6. Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг фаол демократии, гендер тенглик ҳамда ўқувчи эҳтиёжларини гендер фарқлаш талабларига риоя қилиш;

7. Таълим беришда барча ўқувчиларнинг гендер тенг ҳуқуқчилигини таъминлашга эришиш.

Таълим мазмунини белгилаш принципларидан яна бири индивидуал таълим бериш принциpidир¹. Индивидуал таълим бериш натижасида шахснинг жамият ҳаётидаги мавқеини ривожлантиришга имконият яратилади. У ўз-ўзини намоён қила бошлайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқув материаллари ва таълим воситалари ўқувчилар! шнг рухий-физиологик хусусиятлари, билиш ва ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланиши талаб қилинади.

¹ Акимова М.К., Козлова В.Т. Индивидуальность учащегося и индивидуальный подход. - М.: Знание, 1992. с. 80.

2.3. Ўқув фанлари интеграцияси ижтимоий-иқтисодий дамда педагогик зарурият сифатида

Бугунги кунда долзарб бўлиб турган муаммолардан бири таълим олувчи ва таълим берувчи шахеига йўналтирилган укув-билув жараёнини вужудга келтиришдан иборатдир.

Давлат таълим стандартлари қабул қилинган, таълим мазмуни қисман янгиланди. Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги ўдув дастурлар ва дареликлар ишлаб чиқилди. Лекин кузатишлар шуни курсатадики, ўдув режасида ўқув предметларининг сони ортиб кетган. Чунончи, 1992 йилга қадар ўқув режада фанларнинг сони 18 тани ташкил этган бўлса, 1992 йилдан 1997 йилгача бўлган давр ичида уларнинг миддори 21 тани ташкил қилди, 1997 йилдан кейин уларнинг сони 24 тага етказилди.

Бугунги кунда эса ўқув режасида 27 та ўқув фани мавжуд. Шу ўринда дадли бир савол туғилади. Ўқув фанлари микдорини кўпайтириш орқали ўқувчининг билим даражасини оширишга эришилаётимиз? Йўқ, албатта! Чунки:

ўқув фанлари кўпайган сари ўқувчиларга такдим этиладиган билимлар майдалашиб бормоқда;

дареликларда такрор материалларнинг микдори ортмоқда; ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолаётган билим ва тушунчалар кўпаймоқда;

ДТСлар билан ўқув дастурлари орасида номувофиклик вужудга келмоқда.

Чунончи, ҳукумат томонидан қабул қилинган бошлатаич таълим Давлат таълим стандартида 4 та, яъни "Она тили", "Математика", "Табиат", "Инсон ва жамият" таълим содалари берилган ҳолда бугунги кунда ўқув режасида 10 та ўқув предмета мавжуд. Бу еодада жадон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Сингапур таълим тизимида бошланғич синфлар учун бор-йўғи 4 та ўқув предмета мавжуд экан. Улар "Она тили", "Математика", "Эстетика" дамда "Жисмоний тарбия".

Маълумки, таълим жараёнида муайян ўқув фани, "Она тили", "Тарих", "Адабиёт" кабиларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий қадриятлари, ахлдий меъёрлари билим ва тушунчалар шаклида ургатилиши лозим.

Аматдаги таълим жараёнини тадлил қилиш натижалари шуни курсатадики, у ёки бу ўқув фани мазмунида ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмуни ўта мураккаб ёки даддан таншари жўн эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, ўдувчи уни тулид ўзлаштиришга қийналади. Агар жўн ва такрор долда ифодаланган бўлса, бундай ўқув материални ўзлаштиришга эдтиёж сезмайди, ундан беади.

Республикамизда ўқув фанларини мужассамлаштирган долда ўдиши бўйича дастлабки кадамлар қурилмоқда. Жумладан, бошланғич таълим Давлат таълим стандартларида «Она тили, ўқиш. математика, табиат дамда инсон ва жамият» таълим содалари белгилаб берилган.

Инсон ва жамият таълим содаси ўзида бир қатор ўқув предметларига оид тунгунчаларни мужассамлаштирган. Чунончи, ахлоқ, нафосат тарбияси, идтисодий билимларга оид тушунчалар, жисмоний тарбия, бадий таълим, худудий билимлар ва д.к. Таълим жараёнини интегротив дастурлар ва дареликлар асосида ташкил этиш ордали ўдув-билув жараёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилган экан, бунда интефадиянинг турли даражаларидан фойдаланиш мадсадга мувофиқдир. Масалан:

1. Мавзуларни кетма-кет такдим этиш асосидаги интеграция. Бунда ўдув материалларини баён дилишда концентризм принципига амал дилинади, яъни олдинги ўдув материали кейингисини тўлдиради. Лекин деч дачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интеграция натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари дамда иждоий фаолиятлари мунтазам ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нукталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция. Бунда дам такрор бериладиган тафталогия асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун даезурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш мудим адамиятга эга. Масалан, 1-синфда «Қиш фасли» дадида «Атрофимиздаги олам», «Ўдиш», «Она тили» дарсликларида турли хилдаги, аммо модията ва маълумот бериш даражаси бир хил бўлган матнлар ўрнига фадаат «Ўдиш» ки-

тобининг ўзида кишининг барча хусусиятларини очиб бера оладиган бадиий матн ва расмларни бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг афзаллиги шундаки, ўқувчининг вақти ва кучи тежаллади, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади.

3. Модуллашган интеграция. Бундай интеграция доирасида турдош ўқув сранларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда ўқувчиларга тақдим этилади. Чунончи, аниқ фанлар блокада «Математика», «Алгебра», «Геометрия» ва «Чизмачилик»ка оид билим ва тушунчалар муайян тизимга солинади ва айтилиши бир мавзу мазкур тизим доирасида ўқувчига бир марта, аммо узвий тарзда тақдим этилади.

4. Интегрatív дaстурлар. Ушбу типдаги дaстурлар бир нечa ўқув предметa ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тақдим этишни назарда тутaди.

Бугунги кунга келиб ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум даражада кўпайиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай типдаги дaстурлар яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Дaстур ва дарсликларни ўрганиш, таҳдил қилиш натижалари шуни курсатадики, бошланғич синфлардаги йўл ҳараката қоидалари, одобнома, Конституция сабоқдари, саломатлик дарсларига оид тушунчаларни ягона ҳолда «Она тили», «Ўқиш» дaстурларига уйғунлаштириш лозим. Бундай тадбирни амалга ошириш айтилиши бир вақтнинг ўзида ҳам педагогик, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан самаралидир.

5. Мавзулараро интеграция. Бунда айтилиши бир ўқув курси доирасида берилadиган ўқув материаллари бошқa бир курс доирасидаги ўқув материалларидан мохрyтан яқин бўлган ўқув материаллари билан уйғунлаштирилади. Масалан, математик мулоқот маданиятини шакллантиришга оид машқларни «Она тили» дарсликларида, иқтисодий билим, кўникмаларни ривожлантиришга йуналтирилган масалалар, машқ ва маталарни «Математика», «Она тили», «Ўқиш» дарсликларида ҳам бериш мумкин.

Таълим мазмунида интеграцияч амалга ошириш ҳам иқтисодий, ҳам педагогик, гигиеник ва физиология жихатдан му-

хим аҳамиятга эга. Масалан, «Атрофимиздаги олам» ҳамда «Одобнома» каби ўқув предметларини «Ўқиш», «Она тили» ўқув предметлари мазмуни билан уйғунлаштириш натижасида фақатгина 1-синфда 66 соатлик даре иқтисод қилинади. Шунингдек, ўқувчининг вақта ва кучи тежаллади, ортикча зўриқшининг олди олинади. Ўқув-билув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

Дaстурда ўқув фани мазмунининг максимум даражаси ҳамда синфма-синф белгилаб берилган ДТС асосида ўқувчининг билим ҳамда тайёргарлик даражасига қўйилadиган минимум талаблар ўз ифодасини топмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, 5-9-синф ўқув дaстурлари ҳам жиддий ислоҳга муҳтож.

Амалга оширилиши кўзда тутиладиган интеграция даражаси айтилиши бир ўқув фани мазмунидаги чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошланиб, ўқув фанлариаро боғланиш, уйғунлашиш даражасида таъминланиши керак.

«Она тили» ва «Ўқиш» ўқув фанлари мазмунидаги умумий компонентлар вутқ ўстириш, миллий, умуминсоний кадриятлар, ахлоқ ва нафосат, мулоқот маданията меъёрлари, табиат, жамиятга оид тушунчаларни матнлар, шеърлар, макрлар, машқлар, хикоялар орқали етказиши назарда тутилганда, «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Иқтисодий билим асослари», «Конституция сабоқдари» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларига эҳтиёж қолмайди.

Бундай мақсадга эришиш учун:

- таълим мазмунида ўқув фанларини интеграциялашнинг илмий- педагогик асосларини ишлаб чиқиш;
- таълим мазмунини ислоҳ қилиш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режани такомиллаштириш;
- интеграл мазмундаги ўқув дaстурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш;
- таълим мазмуни интеграциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида қўллаш натижасида ўқувчининг вақта ва кучи тежаллади. Унинг билиш имкониятлари кенгайди. Ота-оналар ҳамда давлатнинг ўқитиш жараёнига сарфлайдиган маблағини иқтисод қилиш

имконияти вужудга келади. Ўқув режасини илмий тадқиқот натижаларига таянган ҳолда қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш учун қулай шарт-шароит туғилади. Мавзулараро интеграция асосида ўқув-билув жараёни натижаларини прогностика қилиш механизмлари яратилади. Интеграциялаштирилган таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий-методик имкониятлар яратилади. Интеграл дастурлар асосида ўқув-билув жараёнининг иқтисбдий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади. Ўқув-билув жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имконият тукилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий қилишнинг иккинчи сифат босқичида Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълим мазмунини ислох қилишга алоҳида эътибор берилади. Таълим мазмунини ислох қилиш деганда, авваламбор, уни ўқувчи шахсига йўналтириш, бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари асосида иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлишига эришиш муҳимдир. Бу жиҳатдан таълим мазмуни интеграцияси алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида бу соҳада муҳим кадамлар қўйилган. Чунинчи, бугунги кунга қадар дунёдаги мамлакатларнинг 3,2 қисми таълим мазмунини интеграциялашга эришган. Таълим мазмунини интеграциялашни илмий асосда амалга ошириш ўзининг қўрилган самараларини беради. Шунга қўра, бугунги кунга қадар бизнинг педагогика-мизда ҳам бу соҳада бир қатор илмий мақолалар, ёндашувлар ишлаб чиқилган. Навбатдаги вазифа ўқув режадан тортиб, дарсликлар даражасида ўқув фанлариаро интеграция ни амалга оширишдан иборатдир.

2.4. Дарсликлар ва уларнинг мазмуни га қўйиладиган замонавий талаблар

XX асрнинг 80-йилларида бошланган ислохлар натижа-сида ўқув фани мазмунини академик билимларга яқинлашти-риш шиори ўртага ташланди. Иккинчидан, мактаб дарсликля-ри, асосан фундаментал масалалар билан шуғулланувчи олимлар

томонидан яратилди. Натижада дарё материалларини белги-лашда ўқувчининг имкониятлари ва эҳтиётлари тўла ҳисобга олинмади. Бундай ёндашув натижасида ўқув фанларининг мазмуни ниятда мураккаблашиб, унта ўқувчининг эҳтиёжи, ижтимоийлашиш даражаси, касб-хунар ёки билим соҳасини танлаши учун зарур бўлмаган материаллар ҳам киритилди. Кўпгина ўқувчилар учун назарий материалларни ўзлаштириш ўта мураккаб ёки мутлақо имконсиз бўлиб қолди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги дарсликлар жуда яхши ўқийдиган бир неча ўқувчигагина мўлжалланган. Мате-матика дареликляри бунта яққол мисол бўла олади. Масалан, 5-синф «Математика» дарелиги шу синфда ўқийдиган ўқувчи-лар учун ниятда мураккаб бўлиб, унда ал-Хоразмийнинг «Алгоритм ҳинд ҳисоби ҳақида»ги асари, «Абу Райҳон Беру-нийнинг нисбатлар назариясига оид ишлар ҳақида»ги мавзу-лар алоҳида берилмаган, бу эса фақат айрим мавзуларга син-гдирилган ҳолда ёритилган.

Ал-Хоразмийнинг «Алгоритм ҳинд ҳисоби ҳақида»ги асари ўқув дастурида берилган тартибда «Айриш амалининг қонун-Вари» мавзусидан кейин алоҳида мавзу сифатида қўйилиши керак эди. Аммо ушбу мавзу «Натурал сонларнинг ёзилиши ва ўқилиши» мавзусига сингдирилган.

Ўқув дастурида белгиланган «Абу Райҳон Берунийнинг нис-батлар назариясига оид ишлари ҳақида»ги мавзу алоҳида бе-рилмаган. Бу ҳақда фақатгина «Пропорция. Пропорциянинг асосий хулосалари» мавзуси ичида маълумот бериб кетилган, холос. Ўқув дастурида кўрсатилган «Тўғри ва нотўғри каср-лар» мавзуси «Бир хил махражли қаерларни таққослаш. Тўғри ва нотўғри қаерлар» мавзуси ичида қисқа баён этилган, бу ҳам алоҳида мавзу сифатида берилмаган. Бу ҳол ўқувчиларнинг назарий билимларини ўзлаштиришга кўп вақт ажратилишига олиб келади. Амалий машғулотлар учун эса деярли вақт қол-майди.

Дарсликда мавзуларшиг режадаги соатларга мослаб ёри-тилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда қайси ўқитувчи билан суҳбатлашманг, улар мактаб дареликлярининг мураккаблигидан тортиб, ҳар дарада янги тушунчанинг ўқувчига тақдим этилиши, янги далилларни

тушунтириш лозимлиги, янги теоремани исботлаш талаб этилиши ҳақида айтишади. Бу фикрни бошқа ўқув предметлари мазмуни ҳақида ҳам айтиш мумкин. Баъзи ўқув фанларидан, жумладан, география ва тарихдан бир нечта дарсликлар мавжуд. Уларнинг ҳажми нихрятда катта, мазмуни мураккаб, энг яхши ўқийдиган ўқувчиларга мўлжалланган. Таркибида ўқувчининг эҳтиёжига кирмайдиган материаллар нихрятда кўп. Бу, ўз навбатида, мазкур дарсликлар таннархининг қимматлангувиги олиб келмоқда.

Ўқувчи мунтазам янги коидани эслаб қолиши керак бўлади. Болаларга янги машқ, масала ва топшириқларни ечиш учун мантикий фикрлаш, мушоҳада юритиш, уни амалда қўллаш устида машқ қилиш, амалий жихатдан олган билимларини татбиқ қилиш, кўникмаларини мустаҳкамлаш, қизиқарли масалалар ечишга ҳеч қандай вақт қолмайди.

Бугунги кунда мактаб дарсликлари билимлар конвейерига айланиб қолган бўлиб, ўқувчи олган билимларини амалда синая кўриши, ўз қарашларини баён қилиши, тасаввурларидаги кашфиётларни лойихалашга ҳаракат қилиши, фантастик ҳамда эвристик қобилиятларини намоён этиши учун ўқув-билув жараёнида ҳеч қандай имконият ва қўпинча зарур шарт-шароитга эга эмас. Бундай дастурлар ва дарсликларда тақдим этилган билимларни ўзлаштириш қўпчилик ўқувчилар учун ўта мураккаб ва оғирдир.

Шу билан бир каторда мукрбил ўқув материаллари йўқ даражада. Бу ҳол ўқувчиларни қарахт қилиш даражасидаги юк бўлиб, болани рухий жихатдан дарё материалларини ўзлаштиришга тайёр бўла олмасликка олиб келади. Аста-секин ўқув-билув жараёни қўпчилик ўқувчилар учун биқик, зерикарли, қобилиятларини сўндирувчи жараёнга айланади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ўқувчилар ўқув материалларининг сезиларли қисмини эътибордан четда қолдиришга мажбур бўлмоқдалар. Бу дарё материалларининг нисбатан энг кам қисмининг ўзлаштирилишига олиб келмоқда.

Таниқди педагоглар В.В.Краевский, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин «Таълим мазмунини шюгностика қилиш концепция»сини ишлаб чиққан эдилар. Ушбу концепцияда ўқувчи билим, куник-

ма ҳамда кадрийтлар билан бир каторда хиссий ва ижодкорлик тажрибаларига ҳам эга бўлиши зарурлиги таъкидланган. Бунинг учун эса хрзирги кунга қадар дарё материалларида катта ўрин эгаллаётган академизмдан биринчи навбатда воз кечиш керак.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг таълим мазмуни интеграцияси ҳақидаги билим ва тушунчалари тўла шаклланмаган. Интефациянинг моҳияти, унинг иктисодий ҳамда педагогик аҳамиятини ҳали ақсарият ўқитувчилар тушуниб етганларича йўқ. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини интеграциялаш муаммосининг илмий ечимларини оммалаштириш, ўқитувчиларни бу соҳага оид билимлар билан куроллантириш долзарб муаммолардандир.

Маълумки, таълим мазмунида муайян ўқув фани - «Она тили», «Тарих», «Адабиёт» кабиларга оид билимлар билан бир каторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий кадрийтлар и, ахлоқий меъёрлари билим ва тушунчалар шаклида ўргатилиши лозим.

Амалдаги таълим мазмунини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, у ёки бу ўқув фани мазмунида ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фашшинг мазмуни ўта мураккаб ёки ҳаддая ташқари жўн эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, ўқувчи уни тўлик, ўзлаштиришга қийналади. Агар жўн ва такрор ҳолда ифодаланган бўлса, бундай ўқув материални ўзлаштиришга эҳтиёж сезмайди, ундан безади.

Таълим жараёнининг бугунги ҳрлати айнаи бир ўқув предметининг мазмуни доирасида ҳамда фанлараро интеграцияни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Халқимизнинг маърифий меросини таҳлил қиладиган бўлсак, оилалар ва сабоқхоналарда, мактаб ҳамда мадрасаларда ўқувчи, талабаларни китоб билан дўстлашиш, китоб мутоаласета ўргатиш ота-оналар ва устоз-мураббийлар фаолиятининг асосини ташкил қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Халқимизнинг дурдона асарлари "Қобуснома", "Шохнома", "Юсуф ва Зулайхр" ҳамда Навоий, Фузулий, Жомий,

Бобур, Машраб девонлари узок, асрлар давомида дарслик вази-фасини утаб келганлиги айна ҳақиқатдир.

Даврлар ўтиб, ўқиш ва ўқитиш ишлар и такомиллашиб борган сари дарсликлар яратишга бўлган эҳтиёж кучайди. Миллатимизнинг илгор вакиллари томонидан XX асрнинг бошларида дастлабки дарсликлар яратилганлиги маълум. Жумладан: Сайидрасул Азизий, Мунавварқори Абдурашидов, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Элбек каби маърифатпарварлар томонидан кўплаб дарсликлар яратилган. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу дарсликларда узбек халқининг миллий кадриятлари, урф-одатлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, панд-насихатлар, қиссадан-хисса қикоялар берилган эди. Булар эндигина шаклланаётган ўқувчи шахсида миллий дунёкараш, зукколик, одоб-ахлоқ, ёмонликка нафрат, эзгуликка рағбат, топқирлик, мустақил фаолият кўрсатиш имкониятларига эга бўлиш хусусиятларини қарор топтиришга хизмат қилган эди. Шу билан бир қаторда ўша даврда яратилган дарсликлар ўзбек халқ педагогикасининг энг яхши анъаналари, принцип ва воситаларини татбиқ этган ҳолда яратилган эди.

XX асрнинг 30-йилларидан кейин тартиб берилган дарсликларда ягона "типовой" дастурлар асосида яратиш талабига амал қилинди. Ўтган 70 йилга яқин вақт мобайнида педагог олимлар янги талаблар ва қабул қилинган тизимлар, таъмоийлар асосида дарсликлар ёзиб келдилар. Бу ҳол:

1) Педагогика фанида Ўзбекистон миллий мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг физиология, психологик хусусиятларини дисобга олган ҳолда дарсликлар яратиш билан боғлиқ назарий муаммоларнинг тадқиқ этилмаганлиги;

2) дарсликларнинг мазмунида узбек ўқувчиларининг руҳияти, ҳудудий хусусиятлари ва менталитетига ёт бўлган, уларнинг ижтимоий тажрибасига қирмайдиган, ўта назарий ва мураккаб ўқув материаллар, тушунчалар, атамалар, билимлар, талқинлар ва матнларнинг баён этилишига асос бўлди. Шунинг учун ҳам истиклолга эришилган дастлабки йиллардан бошлаб дарсликларнинг янги авлодини яратиш, таълим муассасаларини замонавий дарсликлар билан таъминлаш масаласи Давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ IX - XIV сессияларида Оқсарой қароргоҳида фан ва маданият ходимлари билан бўлган учрашуви ҳамда 2000 йил 8 июнда "ҒМоқоғ" газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида ҳам дарсликларнинг янги авлодини яратиш ўта долзарб ва масъулиятли иш эканлигини қайта-қайта уқтириб ўтган эди. Албатта ҳар қандай дарслик, биринчи навбатда, муайян назарий асосга таяшиган ҳолда яратилмоғи лозим.

Педагогик технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш, уни илмий-методик жиҳатдан таъминлашни амалга ошириш таълим натижаларининг сифатини бахрлашдан иборат бўлган яхлит тизимда ўз ифодасини топади.

Шу нуқтаи назардан педагогик технология доирасига қирмайдиган тушунчалар икки қатта гуруҳга мужассамлашади:

- Шахсга таълим бериш, таълим воситаларини узлаштириш ва уни ривожлантириш..
- Таълим жараёнини ва унинг натижаларини назорат қилиш, ташхис қилиш ҳамда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижа-сида олган баҳрсини яхшилашни таъминлаш.

Биринчи гуруҳга мансуб элементлар таълим стандартлари, таълимнинг Давлат дастурларини ишлаб чиқиш, шахсни ривожлантиришга йўналтирилган таълим мазмуни ва воситаларини аниқлаш, таълим-тарбия жараёнини эркинлаштириш ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиши, бу жараёни ўқув-методик мажмуалар билан таъминлашни тақрзо қилса, **иккинчи гуруҳга мансуб элементлар** ўқитувчишнинг педагогик маҳорати, таълим жараёнини бошқариш санъати, педагогик-психологик билим савиясини ошириш, назорат ва ташхиснинг **янги-янги** воситаларини аниқлаш, янги усулларни қашф этиш талаб қилади. Жумладан, тил воситалари ва математик амалларни ўргатиш жараёнига коммун и катив моделга асосланган таълим мазмунини жорий этиш баробарида ўқув материалларини таҳлил қилиш учун мутолаа усулидан фойдаланиш эҳтиёжини таъминлади. Бу эса, уз навбатида, ўқувчининг нутқ ва муомала маданиятини ривожлантиради ҳамда унинг ижтимоийлашиш жараёнини тезлаштиради.

Демак, ҳар қандай педагогик технология учун ижтимоий меъёр асосий мезон бўлиши керак.

Ўқувчиларга билим шаклида тақдим қилинган таълим моделлари турли формула ва жадваллар жамият аъзоларининг ижтимоий тажрибасида синовдан утган билимларга таянган тақдирдагина шахсга нисбатан ривожлантирувчи характер касб эта олади. Худди мала шундай билимларни ўзида мужассам - лаштирган таълим модели муайян бир педагогик технология - нинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Айни бир ўқув предмети бўйича таълим технологиясининг таркибини аниқдаганда, биринчи навбатда, ўқувчи шахсининг ривожланиш динамикасини таъминлаш учун қайси мезонларга тая ни ш лозимлигини ойдинлаштириш талаб этилади. Бу ўринда фалсафашг эркинлик, хурфикрлилик категорияларининг ҳаётий татбиқидан келиб чиққан ҳолда шахснинг дунёқарашини шакллантиришга йуналтирилган ўқув материалларига кенг ўрин ажратиш назарда тутилади. Чунки дунёқараш шахс камолотининг асосини ташкил қилади. Она тили, тарих, адабиёт каби бир қатор ўқув предметларидан таълим бериш - ни назарда тутган технологиялар ўз тартибида шахснинг миллий-маънавий қарашларини мужассам қилиб ифодаланишига эришиш талаб этилади.

Дарсликларнинг янги авлоди ўз таркибида ўқув предмети - нинг мазмуни ҳамда ўқувчилар билиш фаолиятининг кўри - нишларини мужассам тарзда ифодалаш лозим. Фақатгина кўптармоқли гиперматнларгина ўқувчи шахсининг ривожла - ниш жараёнини таъминлай олади. Масалан, она тили дарслик - ларига киритилган матнлар бир томондан шахснинг тил бой - лигини мунтазам ошириш, иккинчидан, унинг моддий борлик, табиат, жамият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириши на - зарда тутилади.

Шунингдек, дарсликларнинг янги авлоди таркибига кирити - ладиган машқ ва матнлар мультимедиум ёндашув асосида танланиб, ўзида янгидан-янги ахборотларни мужассамлашти - ришига эришиши талаб этилади. Бунда дарсликларнинг янги авлоди мавжуд моделларни инвентаризациялаш ва тасниф қилиш натижаларига таянади.

Янги педагогик технологиялар асосида яратиладиган дарс - ликларнинг таълим-тарбия жараёнида тутадиган ўрни, даре материалларининг ўқувчи шахсини тараққий эттириш моҳия - ти, яратилаётган дарсликларнинг психологик ва дидактик асос - лари, дарсликлар ҳдмда ҳар бир даре материалга бўлган технологии ва техник талаблар олдиндан аниқ, белгилаб оли - нади. Дарслик қа ва даре материалга бўлган технологии ҳамда техник талаблар дарсликлар янги типологиясининг вужудга келишини таъминлайди. Бу типология доирасида ўқувчи томо - нидан ўвлаштирилладиган ўқув материалларининг типлари, жум - ладан, суз бирликлари, грамматик воситалар, услубий имкони - ятлар орқали аниқ, ифодаланади. Бунда дидактик жараёнлар - нинг узвийлиги ҳам мунтазам таъминлаб борилади.

Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини дарс - нинг ўзидаёқ диагностика қилиш мақсади амалга оширилади. Педагогик технология талаблари асосида даре материаллари - ни ифодалаш, баён этиш ва дареликларни экспертиза қилишга дидактик моделларни тақдим этиш кабилар ўқитувчи фаолият - ини ташкил қилиш борасида радикал ўзгаришларни амалга оншришни тақозо қилади.

Педагогик технологияга асосланган дарсликларнинг дидак - тик модели уз таркибига иккита компонентой мужассамлаш - тиришни талаб этади: а) таълим мазмуни; б) таълим берувчи услубий воситалардан фойдаланиш, яъни ўқитувчининг касб маҳорати, ўқув предметининг лойиҳасини ифодалаган харита ва бошқалар. Чунки бизга шг минтақавий хусусиятларимиз би - лан боғлиқ ҳолда ўқувчиларда мавжуд бўлган физиологик - гигиеник ҳамда психологик хусусиятлар, Давлат таълим стан - дарт талабларидан келиб чиққан ҳолда дареликларда баён қилинадиган ўқув материалининг ҳажми, ўқув материаллари - ни структуралаштириш муамматари, дареликларда услубий во - ситаларнинг ўрни, ўқувчини дарслик билан ишлатиш йўллари, бу жараёнда ўқитувчининг тутган ўрни каби муаммолар чу - қур тадқиқ этилиши лозим.

Дарсликларнинг янги авлодини яратишда Давлат таълим стандарти талаблари ва ўқув дастури ҳажмида меъёрланган

Ўқув юкмасининг модели ва такдим этилаётган ўқув материалларининг таълим -тарбиявий қийматани таъминлаш параметрлари, ўқувчиларни янги билим ва ахборотлар билан қуроллантиришнинг дидактик, технологик асосларига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг дарслик, даре материаллари билан эркин тарзда мулоқотга киришишларини таъминлаш муҳим масалаларидан биридир. Чунки дарслик материаллари орқали ўқувчига такдим этиладиган билимлар ва ахборотларнинг дидактик субстанциялар сифатида ифодаланишини таъминлаш ўқувбилув жараёнининг яхлитлигига эришиш имконини беради. Дареликларда берилган матн, машқ, масалалар, иллюстратив материаллар ва жадвалларни танлашда ўқувбилув фаолиятини бошқариш, яъни даре жараёнига раҳбарлик қилиш дарслик материаллари воситасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари эгаллаган шахсий сифатларини назорат қилиш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Муҳим муаммолардан яна бири дареликларда берилган матнлар, машқ ва масалалар билан иллюстратив материаллар ўқув моделлари уйрунлигининг табиийлигини таъминлашга эришишдан иборатдир.

Дарсликларнинг формата, ҳажми ва дизайни ҳам ўқувчининг ёш ва физиологик - психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

Шахснинг маънавий кифоаси, тафаккури ҳамда акдий-интеллектуал салоҳияти, илмий дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қиладиган дарсликлар чуқур илмий-педагогик асосга ва дидактик, психологик, физиологик - гигиеник, техник-технологик талабларга таянган ҳолда яратилиши шарт. Шунингдек, дарсликлар яратиш соҳасидаги тарихий ҳамда илгор мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш ҳам алоҳида самара беради.

Дарсликлар яратиш муаммосининг муҳим масалалари сифатида қуйидагиларни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга:

1. Дарсликларнинг янги авлодида ўқув фани асосларининг мазмуни, яъни ўқув модели билан ўқувчилар билиш фаолияти қуринишларини уйғун ҳолда ифодалаш.

2. Кўптармоқли ўқув материалларини такдим этиш.

3. Гиперматнларни бериш, мультимедийум ёндашувга асосланиш.

4. Дареликларда информацион (ахборот) банкларни такдим этиш.

5. Дареликларда ўқув материалларини техник ва технологик талаблар асосида ифодалаш.

6. Дарслик билан ўқувчиларнинг бевосита мулоқотга киришишини таъминлаш. Бунинг учун эса янги дарсликлар типологиясини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва ишлаб чиқиш талаб этилади.

7. Таълим жараёнини дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик воситалар, ўқув луғатлари ва диафильмлар билан таъминлашга эришиш.

8. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мазмунини "Миллий истақдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" билан бойитиш.

9. Кўптармоқли ўқув материалларини дарслик ва қўшимча қўлланмалар орқали такдим эташга эришиш.

10. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг форматлари, ҳажми устида жиддий изланишлар олиб бориш.

11. Дарслик дизайни соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, жаҳон ва тарихий тажрибаларни уйғунлаштиришга эришиш.

12. Дарслик ва ўқув қўлланмаларида матнлар билан иллюстратив материалларни уйғун тарзда ифодалашга эришиш.

13. Дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим жараёнининг ахборотли модули сифатида намоён булишини таъминлаш учун кенг қўламли тадқиқотларни йўлга қўйиш.

14. Интегратив дарсликлар яратишни таъминлаш ва бошқалар.

Келажакда ўқув-методик мажмуаларнинг салоҳиятини кўтариш ва Давлат таълим стандарта талаблари даражасида ўқувчиларда билим, кўникма ва малака қосил қилиш учун таълим жараёнини юқоридаги талаблар асосида яратилган ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш зарур.

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш, дарслик таълим жараёнининг ахборотли модули сифатида намоён бўлишини таъминлаш учун, биринчи навбатда:

- а) дарсликлар назариясини хар томонлама бойитиш;
- б) дарслик яратиш соҳасидаги монополияга чек қўйиш;
- в) бошланғич синфлар, айникса, 1-2-синфлар учун дафтарлар шаклида бир марта фойдаланиш учун мослаштирилган дарсликлар чоп этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

2.5. Таълим мазмунини табақалаштириш йуллари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий қилишнинг иккинчи босқичидаги муҳим вазифалардан бири дифференциал таълимни ташкил этишдан иборатдир¹. Кўп сонли ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини урганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, дифференциал таълим ҳақида аксарият педагоглар ва ота-оналарнинг фикрлари ижобий эмас. Гўёки, болаларни турли даражадаги синфлар, яъни (кучлилар ва нисбатан заифлар) тарзида табақалаштириш ўқувчиларнинг руҳиятига таъсир қилади, деган фикр ҳукмрон.

Дарҳақиқат, бундай фикрда жон бор, табақалаштирилган таълимни ўқувчиларни кучлилар ва нисбатан заифлар тарзида даражаланган ҳолда ташкил этиш мутлақо нотўғри ёндашув натижасидир. Табақалаштирилган таълимни ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуаллиги, қизиқишлари, иқтидори кабиларга таяниш лозим. Чунки табақалаштирилган таълим жараёнида ўқувчининг индивидуаллигини намоён қилиши учун қулай имконият вужудга келади. Бола қабилитининг яширин қирралари аста-секин очила боради. Ўқувчидаги ўзига хосликнинг намоён бўлиши шунинг учун ҳам бир томондан педагогик-психологик, иккинчи томондан, ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ўқув-билув жараёнида бола ўзининг шахсий қабилитини намоён қила олгандагина ижтимоий ҳаётга осой мослашади ва микросоциумда ўз ўрнини эгаллай олади.

Табақалаштирилган таълимнинг ташкил этилиши айни замонда боладаги индивидуал имкониятларнинг рўёбга чиқиши, ундаги шахсий идрокнинг ўсиши, миллий ва умуминсоний кадрларнинг осон ўзлаштирилиши ва ўзи яшаб турган жами-

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори// Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, 1997.

ят аъзоларига мулоқот тарзида уларни тезкор такдим этиш имконини беради.

Маълумки, собиқ совет ҳокимияти йилларида барчани ёппасига саводхон қилиш сиёсатишг натижаси сифатида ягона дастурлар асосида ўқитиш тизими жорий қилинган эди. Бу ход, хар бир ўқувчининг ўз қабилити, иқтидори, қизиқишлари, ўзлигини намоён қила олишига маълум даражада тўсқинлик қиларди. Бундай ягона ёндашув натижасида ўқувчи ўзининг шахсий имкониятларини намоён қилишга хар доим қийналар эди. Ўз навбатида, бу нуқтаи назар таълимга дифференциал ёндашув вужудга келишига асос бўлди.

Ўқувчиларнинг қизиқишлари, иқтидори, интилиш ва эктиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунини табақалаштириш энг демократик ёндашув бўлиб, у ўқувчи шахсининг ўзлигини намоён қила олиши учун қулай шарт-шароит яратади. Бугунги кунда педагогик прогностика олдида:

- 1) дифференциал таълимнинг илмий асосларини яратиш;
- 2) ўқувчиларга табақалаштирилган таълим бериш жараёнини назарий-методик жиҳатдан таъминлаш;
- 3) дифференциал таълим даражаларини аниқлаш;
- 4) табақалаштирилган таълимни ташкил этиш йўлларини ишлаб чиқиш каби муҳим масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табақалаштирилган таълим бериш натижасида жамиятнинг мал акал и, собит мутахассисларга бўлган эктиёжларини қондириш имконияти вужудга келади.

Табақалаштирилган таълим жараёнининг ўзига хос хуссиятларини қисобга олган ҳолда ўқитувчиларни бу жараёни бошқаришга тайёрлаш ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир. Дифференциал таълимни ташкил этиш, унинг даражаларини белгилашда ўқувчи шахсининг қизиқишлари, эктиёжи, мотивлари, истаклари, қабилити, иқтидори кабиларни алоҳида ҳисобга олиш лозим, бунинг учун ўқувчи шахсига хос бўлган ушбу қирраларни аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Дифференциал таълимнинг самарали бўлиши учун ўқувчида муайян йўналишдаги ўқув юкмасини ўзлаштириш истагининг пайдо бўлиши, бу истакнинг қатъийлашишини алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Ўдвучи гоггеллектининг перфектив сифатларини дисобга олган холда табадалапгирилган таълим мазмунини белгилаша эришиш ҳам мудим аҳамиятга эга. Табадалаштирилган таълим мазмунини ўқувчи шахсиятининг ўзига хос хусусиятларига таянган долда ташкил этиш натижасида кенг микёсдаги вариативлик вужудга келади.

Ўқувчиларга дифференциал таълим беришни тўғри йўлга кўйиш учун даражали табақалаштиришдан фойдаланиш мадсадга мувофиқдир. Даражали табақалаштиришда муайян бир ўқув фанидан мураккаблик даражаси турлича бўлган ўқув юкламалари тақдим этилади. Ўқувчиларнинг иқтидори, дизиқиши, интеллектуал даражаси махсус тестлар ёрдамида аниқланган, дайси даражадаги дастур асосида таълим бериш лозимлиги белгилаб берилади. Натижада куп вариант.ч ўдв дастурлари ва мукрбил дарсликларни амалиётда қўллаш сари кенг йул очилади. Ўқувчиларнинг дшидиши, иқтидори, шахей қобилятини аниқлашга йуналтирилган тестлар ўз характерига кўра педагогик ва психологик тестлардан иборат бўлиши кераклиги тавсия дилинади.

Ўқувчиларда ДТС талаблари асосида кўп тармодли билим, кўникма, малака досил дилиш учун табадалаштирилган ва интефациялашган таълимни йўлга дўйиш айнаи кунда давр талаб иди р. Бунинг учун дастлаб ўдв дастурларининг вариатив бўлиши талаб этилади.

Табақалапгирилган таълимда ўдв режаси удувчилар учун эркин бўлади. Шунта кура дар бир ўдвучи ўзиниш индивидуал таълим йўналишини танлаш дудудини дўлга киритади. Табадалаштирилган таълим умумий ўрта таълим сифатини ошириш учун кулай имкониятлар яратади. Бунда таълим жараёни (радатгина ўдвучига маълум миддордаги билиш ўргатишга йўналтирилиб долмасдан, шахенинг ривожланиш ўзлигини намоеън дила олиш добиятининг ўсишига дам даратилиши талаб этилади.

Таълим жараёни даммабоп (универсиад), билим, кўникма ва малакаларнинг яхлит тизими сифатида шакллапиши лозим. Ўдвучи бу жараёнда мустандил фаолият кўрсатиш таж-

рибасига дам эга бўлиши кўзда тутилади. Хар кандай даражадаги табадалашган таълим мазмуни негизини ижтимоий билимдошкни таъминловчи тушунчалар ташкил этишига эришиш мудим адамиятга эга. Бу дол, таълим мазмуни сифатини белгилайди.

Табадалаштирилган таълимни ташкил этишда педагогика, психология фанлари ютудлари билан бир каторда ил пор мактабларнинг бой иш тажрибасига таяниш дам зарур. Ижтимоий-гуманитар ва табиий фавлар, она тили, математика, бадий эстетик циклдаги ўдв предметларини уқитиш содасида тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланиш дам дифференциал таълимни тўғри ташкил этишда алодида адамиятга эга.

Табадалаштирилган таълим - бу:

1) ўдв жараёнинишг ташкилий шакли бўлиб, бунда ўдвучи ўдв жараёнининг умумий сифатлари учун дандайдир адамиятли тарзда тузилган удувчилар гуруди билан иш олиб боради;

2) таълим олувчиларнинг турли хил гурудлари учун махсус ўқув жараёнини таъминлайдиган умумий дидактик тизимлар дисми.

Таълимни табадалаштириш - бу

1) турли хил мактаб, синф, гуруд учун шу гурудлар тизимини ташкил этган удувчилар мажмуини дисобга олиш мадсадида таълимнинг ранг-баранг шарт-шароитларини ташкил этиш;

2) гомоген гурудларда ўдвтишни таъминловчи методик, психологик-педагогик ва ташкилий-бошдарув тадбирлар мажмуаси.

Таълимни табадалаштириш тамайили - бунда педагогик жараён табадалаштирилгани каби вазиятга кўра тузилади. Табақалагатирилган таълимнинг асосий турларидан бири индивидуал таълим дисобланади.

Табадалаштирилган таълим технологияси табадалаштирилган таълимнинг ташкилий ечимлари, восита ва услублари мажмуини ўз ичига олади.

Болаларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари характери бўйича гомоген гурудларшг шаклланиши асосида тузилган табадалаштириш дуйидагича ажратилади:

- **ёш даврлар тизими бўйича** (мактаб синфлари, ёш даврларининг баробарлиги, турли ёш даврлардаги гуруҳлар);
- **жинс бўйича** (ўғил, киз, аралаш гуруҳлар, жамоалар, мактаблар);
- **қизиқишлар нулами бўйича** (гуманитар, физика-математика, биология-кимё ва бошқа гуруҳлар, йўналишлар, бўлимлар, мактаблар);
- **аклий ривожланиш даражалари бўйича** (ютук даражалари бўйича);
- **шахсий-психологик типлари бўйича** (тафаккур турлари, характер хусусиятлари, темпераменти ва б.);
- **саломатлик даражалари бўйича** (жисмоний маданият гуруҳлари, кўзи ожизлар гуруҳлари ва беморлар синфи).

Таълимнинг исталган тизимларида у ёки бу даражада табақалаштирилган ёндашув мавжуд бўлиб, бунда кўгтоқ ёки камроқ табақалаштириш амалга оширилади. Шу сабабли табақалаштирилган таълим технологиясининг ўзи ранг-баранг услубий воситаларни қўллаш каби технология билан сингдирилиб ҳаракатга келтирилган бўлади.

Бироқ ўқув жараёнини табақалаштириш педагогик тизимлар каторида асосий ажралиб турувчи хусусиятлари билан устун сифатлардан ҳисобланади. Бундай тизимлар эса «Табақалаштирилган таълим технологияси» деб юритилиши мумкин.

Аклий ривожланиш даражаси бўйича табақалаштириш ҳрзирги замон педагогикасида бир хил маъноли баҳрга эга бўлмайди. Яъни бунда ижобий билан биргаликда айрим салбий жиҳатлар ҳам мавжуд.

Даражали табақалаштириш	
Ижобий жиҳатлар	Салбий жиҳатлар
<ul style="list-style-type: none"> • Жамият учун асосланмаган ва мақсадга мувофиқ бўлмаган болаларни тенглаштириш ҳамда ўртача ҳисобда кўрсатиб ажратиш инкор этилади. • Ўқитувчида кучсиз ўқувчига қўмаклашиш, кучли ўқувчига эътибор 	<ul style="list-style-type: none"> • Болаларни ривожланиш даражалари бўйича ажратиш инсонпарварлик тамойилига зид. • Ижтимоий - иқтисодий тенгсизлик юзага келади. • Кучсиз ўқувчилар кўпроқ кучли ўқувчиларга эргашиш, улардан ёрдам олиш ва улар билан мусобақаланиш имкониятларини йўқотади.

- каратиш имконияти яратилади.
- Паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг синфда бўлмаслиги ўқитишнинг умумий даражасини пасайтириш имкониятини йўқотади.
- Ижтимоий меъёрларга қийин мослашадиган ўқувчилар билан кўпроқ самарали ишлаш имконияти туғилади.
- Таълимда кучли ўқувчиларнинг тез ва чуқур таълим олишга ҳаракат қилиш истаги амалга оширилади.
- «Мен» концепциясининг даражаси кучаяди: кучли ўқувчилар ўз қобилиятларини тасдиқлайдилар, кучсиз ўқувчилар таълим ютуқларини ҳис қилиш имкониятини қўлга киритадилар ҳамда номутаносиблик мажмуидан қутуладилар.
- Кучли гуруҳларда ўқиш мотивацияси даражаси кучаяди.
- Бир хил турдаги ўқувчилардан йивилган гуруҳларда болага ўқиш осон кечади.
- Кучсиз гуруҳларга кўчириш болалар томонидан уларнинг кадр-қимматини камситиш каби қабул қилинади
- Ташхислашнинг мукамал ишланмаганлиги сует ўзлаштирувчилар гуруҳига кучли ўқувчиларнинг қириб қолиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради.
- «Мен» концепциясининг даражаси пасаяди: юқори табақага мансуб гуруҳлардаги болаларда ўзини алоҳида ажратиш кўрсатиш ҳисси лайдо бўлади худбинлар мажмуаси вужудга келади; паст даражадаги кучсиз синфларда ўз ўзини бвқолаш туйғуси пасаяди, ўз қучига ишонмай қўйишади, ўзининг қучсизлигини эса тақдирдан кўриш нуктаи назари вужудга келади.
- Кучсиз гуруҳларда ўқиш мотивацияси даражаси пасаяди.
- Гуруҳни қайта шакллантириш сине) жамоасига салбий таъсир этади.

Гомоген гуруҳларни ташкиллаштириш даражаси бўйича табақалаштириш қуйидагиларга ажратилади:

- мактаб турлари бўйича - ҳудудий (махсус мактаблар ва гимназиялар, шшей ва коллежлар, хусусий мактаблар ва мажмуалар);
 - мактаб доирасида (даражалар, ихтисослар, бўлимлар, чуқурлаштиришлар, йўналишлар, оқимлар);
 - ёнма-ён (турли хил даражалардаги гуруҳлар ва синфлар: гимназия, таълимни қўшимча тўлдирувчи синфлар ва х.к.);
 - синфлараро (факультатив, турли ёш давридаги гуруҳлар);
 - синф ва фанлар доирасида (синф тизимидаги гуруҳлар).
- Юқорида баён этилган назарий асослар келажакда таълимнинг янги модели ни яратиш учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Ўқув-билув жараёнини эркинлаштириш таълимда интеграциялашган ва дифференциялашган моделларни яратишни таъминлаш имконини беради.

Фонд алан ил гаи адабиётлар:

1. «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» БМТ конвенцияси. -Тошкент: Узбекистон болалар жамғармаси, 1998. - 48-бет.
2. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. - Товткент: Узбекистон, 1996. - 364-бет.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Узбекистон тараққиётининг пойдевори. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нугки. 1997 йил 29 август. - Товткент: 1997. - 4-19-бетлар.
4. Каримов И.А. Халқимизнинг оташкалб фарзанди. -Тошкент: Узбекистон, 1992. - 7-бет.
5. Каримов И.А. Узбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Узбекистон, 1998. - 686-бет.
6. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. - Тошкент: Узбекистон, 1999. - 48-бет.
7. Национальная доктрина образования в Российской Федерации до 2025 года. // Вестник Образования России. - 2002. - № 6. - С. 10.
8. О Концепции модернизации российского образования на период до 2010 года (приказ от 11.02.02 № 393) // Вестник Образования России. - 2002. - № 6. - С. 10-40.
9. О реализации комплексного проекта «Образование и информационные технологии на рубеже XXI века (приказ Министерства образования РФ от 28.06.2000 №1935) // Образование в современной школе. - 2000. - № 8. - С.-8.
10. Положение о содержании государственных образовательных стандартов Республики Узбекистан и порядке их разработки, утверждения и введения // Собр. постановлений Правительства Республики Узбекистан. - Ташкент: 1993. - № 8.- С. 35-36.
- П. Узбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Узбекистон, 1992.- 46-бет.
12. Узбекистон Республикасининг «Логин алифбосига ўтиш тўғрисида»ги Қонуни. - Тошкент: Узбекистон, 1993. - 22-бет.
13. Узбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни // Халқ сўзи. - 1995 йил, - 29 декабрь.

14. Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, 1997. - 20-29-бетлар.*

15. Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент, 1997. - 31-60-бетлар.

16. Узбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони // Маърифат. 2004 йил, 22 май.

17. Стандартлаштириш тўғрисида: Узбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 28 декабрь // Халқ сўзи. - 1994, 28 январь.

18. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. - Тошкент: «Шарқ», 2002.

19. Учинчи мингйилликнинг боласи. Таянч дастури. Меърий хужжат. - Тошкент: «Маърифат-Мадакдор». Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, 2000. — 160-бет.

20. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори // Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. - Тошкент: «Шарқ», 1999.

21. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Физика. Математика // Таълим тараққиёти. 4-махсус сон. - Тошкент: «Шарқ» НМК, 1999. — 3-171-бетлар.

22. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли «Узлуксиз таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарори // Таълим тараққиёти, 1-сон. - Тошкент: «Шарқ» НМК, 1998. - 31-32-бетлар.

23. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори // Таълим тараққиёти. 1-сон. — Тошкент: 1998. - 77-81-бетлар.

24. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 11 июндаги «2001-2002 ўқув йилида Узбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори // Халқ сузи. 2001 йил, 13 июнь.

25. Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 11 июндаги «Халқ таълими тизими муассасаларида компьютерлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 97-сонли буйруғи // Халқ сўзи. 2001 йил, 13 июнь.

26. Абдуллаева К., Сафарова Р., Бикбоева Н. Бошланғич таълим концепцияси // Бошланғич таълим. — Тошкент: 1998 йил, 6-сон — 2-9-бетлар.

27. Абдуллаева К., Сафарова Р. ва б. Бошланғич таълим Давлат таълим стандарти // Бошланғич таълим. - Тошкент: — 1998 йил, 6-сон. — 6-9-бетлар.

28. Акимова М.К., Козлова В.Т. Индивидуальность учащегося и индивидуальный подход. - М.: Знание, 1992. — 80 с.

29. Алимов Ш.О. ва бошқ. Алгебра. 7-синф учун ўқув кўлланима. - Т.: Ўқитувчи, 2001. - 222-б.

30. Алимов Ш.О. ва бошқ. Алгебра. 8-синф учун ўқув кўлланима. — Тошкент: Ўқитувчи, 2001. — 319-бет.

31. Алимов Ш.О. ва бошқ. Алгебра. 9-синф учун ўқув кўлланима. — Тошкент: Ўқитувчи, 2002. — 173-бет.

32. Болотов В.А., Исаев Е.И., Слободчиков В.И., Шайденко Н.А. Проектирование профессионального педагогического образования // Педагогика. 1977. -№ 4.

33. Борисова Н.В. Образовательные технологии как объект педагогического выбора. Учеб. пособие. — М., 2000.

34. Безрукова В.С. Педагогика. Проективная педагогика. Учеб. пособие. -Екатеринбург, 1996.

35. Беспалько В.П. Основы теории педагогических систем. — Воронеж, 1977.

36. Василевский С.М. Технические способности и условия их развития как предпосылка технического изобретательства. Ст. «Проблема способностей». М., 1962.

37. Гинецинский В.И. Основы теоретической педагогики. Учеб. пособие. СПб., 1992.

38. Давлетшин М.Г. Психология технических способностей школьников. -Ташкент: «Фан», 1971.

39. Джон Дьюи. Психология и педагогика мышления. — М., 1909. - С. 10-11.

40. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования / Под ред. Е.С.Полат. — М., 2000.

41. Петровский А.В. Способности и труд. -М.: «Знание», 1966.

Мундарижа

Мукаддима.....	3
1-БОБ. Таълим мазмунини прогноз қилиш эҳтиёжлари ва унинг назарий-методологик асослари.....	19
1.1. Таълим жараёни олдига қуирилган ижтимоий буюртма ва унинг қўлами.....	19
1.2. Таълим мазмунини янгилашнинг педагогик-психологик имкониятлари.....	28
1.3. Истикболда таълим мазмунини белгилашда хорижий тажрибалардан фойдаланиш.....	61
1.4. Ўқув режа - янги таълим мазмунининг асосий элементи.....	65
1.5. Таълим мазмунини белгилашга бўлган замонавий ёндашув.....	85
2-БОБ. Таълимнинг истикболдаги мазмунини прогноз қилишнинг дидактик асослари.....	94
2.1. Таълимнинг истикболдаги мазмунини белгилашнинг дидактик омиллари.....	94
2.2. Умумий ўрта таълимни ислоқ қилиш омиллари ва принциплари.....	Ю3
2.3. Ўқув фанлари интеграцияси ижтимоий-иктисодий ҳамда педагогик зарурият сифатида.....	112
2.4. Дарсликлар ва уларнинг мазмунига қуиладиган замонавий талаблар.....	116
2.5. Таълим мазмунини табақалаштириш йўллари.....	126
Фойдаланилган адабиётлар.....	132

**Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон
Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.**

Р.САФАРОВА, У.МУСАЕВ, П.МУСАЕВ, М.САЛАЕВА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ
ПРОГНОСТИКА ҚИЛИШНИНГ
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

Илмий рисоланинг оригинал макети “Ma’rifat” газетаси таҳририяти
матбаа бўлимида тайёрланди.

Муаллифлар: *Роҳатой Сафарова,
Усмонали Мусаев,
Паёз Мусаев,
Муборак Салаева*

Тақризчилар: педагогика фанлари докторлари
*Санобар Нишонова,
Раҳим Ҳасанов*

Муҳаррир: *М.Содиқова*
Мусахҳиҳ: *Баҳодир Жовлиев*
Дизайнер: *Даврон Тожиалиев*
Саҳифаловчи: *Мамуржон Аҳлиддинов*

Босишга рухсат этилди 01.06.2005 й. Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂.
«BodonUz» гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт т.
7, 1. Шартли босма табоғи 4,25. Буюртма № 96. Адади 1000 нусха.
Баҳоси келишув асосида.

**ЎзР ФА “Фал” нашриёти: 700047, Тошкент, акад. Я.Фулломов кўчаси, 70.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33.